



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 25-avgust • № 34 (3863)

## ИСТИҚЛОЛ НИҲОЛЛАРИ

Эндигина қад ростлаб келаётган ниҳолларга, шубҳасиз, парвариш ва эътибор зарур. Уларнинг қандай бўй чўзиши, кейинги камоли айнан мана шу эътибор билан белгиланади. Бугун санъатимиз бўстонда кўплаб ниҳоллар қад ростламоқда. Ҳар бирининг қалбида олам-олам орзулар... Орзуларнинг амалга ошиши учун эса изланиш, меҳнат машаққатларидан чўчимаслик, ҳамisha олдинга интилиш зарур.

Мустақиллик даври санъати ниҳоллари бугун тобора юксакка интиломоқда. Уларнинг камол топишларида 2000 йилги Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Нихол" мукофоти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Утган етти йил мобайнида бу мукофотга сазовор бўлганларнинг кўпчилиги унвонлар, давлат мукофотлари билан тақдирландилар. "Нихол" уларни янги ижодий ютуқларга илҳомлантирди, имкониятларини кенг намоийш этишлари учун йўл очди.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида утган "Нихол" мукофоти танловлари янги Низомга мувофиқ уч босқичда, туман-шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилди. Биринчи босқичда уч мингга яқин ёшлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказган бўлсалар, иккинчи босқичда тўрт юздан ортиқ истеъодлар қатнашдилар.

Шуниси муҳими, эндиликда республикамизнинг энг чекка жойларида яшаб ижод қилаётган истеъодли ёшлар ҳам бу нуфузли танловда қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар.

Республика босқичида қатнашган еттидан ортиқ ёш ижодкорлар сафидан ёшлар орасида етакчилик қобилияти билан ажралиб турувчи 15 нафар номзод шу мукофотга лойиқ топилди.

Кўни кеча пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида "Нихол" мукофотининг 2006 йилги

совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Томошабинлар олдинги йилларда мазкур мукофотни кўлга киритган хонанда ва гуруҳларини ҳамда бу йилги мукофот эгаларини олқишлар билан кўтиб олдилар. Совриндорларга мукофотни таниқли санъаткорлар, устозлар топширдилар. Шунинг ўзид ҳам рамзий маъно кўзга ташланди. Зеро, бугунги "Нихол" эгалари устозларнинг муносиб давомчилари, халқ меҳри ва ишончини оқлашга қодир ижодкор бўлиб етишишларига умид ва даъват бор.

Эстрада йўналишида ижод қилаётган кўшиқчилар ҳозирги кунда кўпчиликини ташкил этиши сир эмас. Шулар орасидан Хулқар Абдуллаева (Хоразм), Гулназ Утепова (Қорақалпоғистон), Ёдгор Мирзажонов (Андижон), Сардор Раҳимхон, Диана Зиятдинова, Жасур Мирсағатов, Дийр Маҳкамов (Тошкент), Абдували Ражабов (Сирдарё) каби эстрада хонандалари мукофотга муносиб деб топилдилар.

Ёшлар ўртасида ўзбек халқ кўшиқлари ва макомларга қизиқиш ортиб бораётгани танлов давомида яна бир бор аён бўлди. Мумтоз кўшиқчилик йўналишидаги совринлар ижро маҳорати билан муҳлислар қалбига йўл топаётган, миллий санъатимизни жаҳон узра кўз-кўз қилишга бел болаган сурхондарёлик Илҳом Норов, фарғоналик Анвар Ашуров, Гулрух Отакулова, қашқадарёлик Ойбек Мирзаев, бухоролик Жўрабой Ҳафизовага топширилди.

Сардор Зулхайдаров (Сирдарё) мусика ижрочилиги бўйича, Мафзуза Исломова (Самарқанд) опера ижрочилиги бўйича "Нихол" совриндорлари бўлдилар.

Тадбирда танлов голиблари ҳамда таниқли хонандалар ижросида концерт намоийш қилинди.



Наталья СЕМЁНОВА олган сурат.

## БИР УЛУҒ РУҶ КЕЗАР ОЗОД ЭЛИМДА

Истиқлол йилларида Ватанимизда рўёбга чиқарилаётган улугвор ишлар, истеъодларга, ёшларимизга қўрсатилаётган гамхўрлик бизга янги ижодий рағбат бағишламоқда. Шу кунларда мен ижодкорлар, санъат ахллари сафида вилоятларимизга сафар қилиб, яратувчилик меҳнати билан банд бўлган фидойи меҳнатқашлар ҳузурда истиқлол байрами олди гурунларидида иштирок этаётганимдан гоътада мамнунман.

Бизнинг ижодий гуруҳимиз Қашқадарё вилоятининг кўпгина туманларида бўлиб, озод элнинг нималарга қодирлиги, мамлакатимизнинг барча жабҳалардаги залворли одимларига гувоҳ бўлаётимиз. Айниқса, Нишон туманидаги янгиликлар биз ижодкорларни гоътада мамнун этди. Мен Толимаржон нурхонни ва Қарши бош каланининг мураккаб муҳандислик иншоотлари — Амударё сувини босқичма-босқич бир юз элик метрдан ҳам юқорига кўтариб бераётган улкан насос станцияларини бошқарётган ўз миллатдошларимнинг мардона қиёфаларига боқар эканман, чин маънодаги ҳақиқий қаҳрамонларни кўрганда бўлдим. Улар бошқарётган улкан иншоотлар билан танишуш ҳам, нурчи ва сувчилар, пахта ва галла етиштиратган фермерлар билан мулоқотлар ҳам қалбимда бир умр унутилмас таассуротлар қолдирди. Айниқса, мироблар сардори Муҳаммад Рўзиевни, моҳир пахтакор Шухрат Умаровни, бирор иншоот курадиган бўлса заррача иштибоҳга ўрин қолдирмайдиган чинакам бунёдкор Абдураҳмон Бозоровни озод элимизнинг мустақкам қанотларига ўхшатгим келди. Толимаржон сув омборининг мухташам тўғонлари, бу сунъий денгиз ва етита пахтакор туманига Амударё сувини кўтариб берувчи насос станцияларининг қурилишидан тортиб, то бугунги кунда унинг бекум кўст ишлаб туришига кўз-қулоқ бўлган моҳир

муҳандис ва ишбоши Рустам Очилни, Толимаржон нурхонини бунёд этган қурувчилар сардори, салкам қирқ йилдан буён энергетика ва гидротехника иншоотлари қурилишига бошчилик қилиб келаётган Абдураҳмон Бозоровни ҳақиқий қаҳрамонларга менгаддим. Шундай фидойи инсонлар борлиги учун ҳам ҳаётимиз гузал, турмушимиз файзли, дастурхонимиз тўкин ва кут-бароқалидир. Улар баъзиларга ўхшаб ўзини эмас, элу юртини, хурриятимиз бардавонлигини, халқимизнинг қадди ва қадри ҳамisha юксак бўлишини йўловчи чин инсонлардир.

Шу ўринда битай деб қолган гузал амфитеатр жойлашган, кўҳна Насафинг мумтоз шоиримиз Алишер Навоий номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғидан олган таассуротларга ўхшаб Хумо қушлари, кенг майдонда иргилишб юрган гузал аргумоқлар охулар галаси каби монументал санъат намуналари ҳам баҳри дилингизни очди.

Истиқлол байрами арафасида Юртбошимиз пойтахтда бунёд этилган улкан кўприк ва йўллар, кенг хиёбонлар, янги шифо масканлари билан танишганларини ойна жаҳон орқали кўрдик. Бундай бунёдкорлик ишлари юртимизнинг барча вилоятларида амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиш эса озод элнинг бир фуқароси сифатида менинг ва барча юртдошларимиз қалбини фахр-ифтихорга лиммолим этаяттир.

Мустақиллигинг абадий бўлсин, онажон юртим!

Файзулла АҲМЕДОВ,  
Ўзбекистон халқ артисти

**ТАҲРИРИЯТДАН:**  
Ўзек йиллардан бери миллий маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ибратли ижодий фаолиятида ажойиб ва бетакрор образлар галереясини ярата олган устоз санъаткор, ижодкор ёшлар мураббийси Ўзбекистон халқ артисти, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Файзулла Аҳмедовни муборак етмиш ёшлари билан санимий кўтлаймиз, сихат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

## ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган мазкур танлов «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан анъанавий

ёшлар, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоёсига садоқат, миллий тарихимизга ҳурмат туйғуларини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига матбуот саҳифалари, телерадиотўлқинлари, кино, тасвирий, фото, дизайн санъати воситасида сингдиришда мазкур танловнинг аҳамияти катта.

Тадбирда кўрик-танлов голибларига совринлар ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

(ЎЗА)

(Танлов голиблари билан газетанинг 2-бетиде танишасиз.)

## ЭЗГУЛИК ЎЛМАС ҚАДРИЯТ

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи «Эзгулик йўлида» деб номланган тўпламни чоп этди. Ундан таниқли олимларнинг истиклол йилларида ҳаётиимиздан ўз урнини топган миллий кадриятлар, эзгулик ва мафкуравий гоёларга доир мақола

қат, озодликка эришган халқимизнинг асли нияти одамлар қалбиде эзгу туйғуларни уйғотиш, айниқса, фарзандларимизда шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатининг ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас қисмига айлантиришдан иборатдир.

Тўпламдан ўрин олган «Бунёдкорлик йиллари ва унинг дастурлари», «Эзгуликнинг ижтимоий мазмуни ва унинг такомил босқичлари», «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришда эзгулик тамойиллари» каби мақолаларда эзгуликнинг дунёвий мазмуни, миллатнинг ўзлигини англаши, баркамоллик мезонлари кенг қамраб олинган. Фуқароларни меҳр-муруват руҳида тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15

## БУГУНГИ СОНДА:

→ **ОДДИЙ ИНСОНИЙ БАХТ** 2

4 **БЎЗСУВ БЎЙИДАГИ СУҶБАТ** →

→ **«ҲАЁТИМНИ БАХШ ЭТИШГА ТАЙЁРМАН...»** 6

## ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ



Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида "Навқирон Ўзбекистон — 2006" замонавий санъат фестивали очилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъат

форуми" жамғармаси ва Бадий академия ҳамкорлигида юртимизда иккинчи марта ташкил этилган бу тадбирда ижодкор ёшлар мингга яқин асарлари билан қатнашмоқдалар. Иштирокчиларнинг аксарияти истиқлолимизга тенгдош ёшлардир.

Мазкур фестивал доирасида кўргазмада рангтаъсир, графика, ҳайкалтарош

лик, дизайн, бадий фото, видеоарт, инсталляция, кулчилик, чиннисозлик, қандакорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги асарлари намоийш қилинмоқда.

## Кўргазма Залларида

Фестивал қатнашчилари учун турли совринлар таъсис этилган. Тадбир доирасида таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, маҳорат дарслари, анъанавий ва замонавий санъат муаммоларига бағишланган баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб ўтмоқда.

С.ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## ХУРРИЯТ НАВОЛАРИ

Гулдан гулга кўниб саҳар палладан,  
Болари бол йиғар қирдан, даладан.  
Шоир ҳам болари бўлсайди агар  
Ишин бошлар эди Эллиқалъадан.

Абдулла ОРИПОВ

Ватанимизнинг яна бир гузал диёрига — қорақалпоғистонлик юртдошларимиз билан дийдорлашувга отландик.

Бу заминда истиқомат қилаётган юртдошларимиз тараққиёт ва фаровонлик йўлида дадил одимламоқдалар. Мамлакатнинг бекиёс ички имкониятларидан унумли фойдаланила бошладилар. Чорвачилик, пахтачилик, шоли ва бугдой етиштириш маданияти юксалиб, янги босқичга кўтарилди. Саноат, ишлаб чиқариш тобора раванқ топтомоқда. Марказий Осиёда ягона бўлган Кўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, Марказий Осиё беэзак тошлари қўшма корхонаси, Кўнғиротдаги қарбид, Нукусдаги ун ва кабел заводлари мамлакат салоҳиятини оширмоқда.

Бейхитёр бугун чин маънода мардлик намуналарини кўрсатиб улуг ишларга бел болаган ватандошларимиз билан руҳан елкадош эканлигини эси қиласиз.

Машинамиз кўҳна заминнинг чексиз сарҳадларини орта қолдириб Эллиқалъа сари шошмоқда. Узоқдан кумуш шўла таратиб, олмос камардай Амударё кўринадилар. Офтобнинг заррин нурлари аста сўниб, кўкда юлдузлар порлай бошлади. Лекин кўнглим сезиб турибди, айни шу топда бу азиз заминнинг қайси бир четиде бободоҳон кўлида фонус ила гузасига сув тарамоқда, қурувчи ойнинг нурларида янги касб-хунар коллежи — камолот ва заковат иморати пойдовери узра гишт термоқда.

Тупроққалъа, Авзқалъа, Гулдурсун, Қирққиз қалъа, Ақчакўл...

Бу қадимий номлар истиқлол боис ижодкорларимиз кўнглирига янада мустақкам жойландилар. Кўҳна тарихимиз ва маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган бу номлар неча минг-минг йиллардики ўчмай келмоқда. Устозлар таъбири билан айтганда, булар — ўчмайдиган чироқлар! Энди эса бу номлар яна ўнлаб шеър достонларга кўчмоқда, бу ҳам бўлса Эллиқалъа ахлининг адабиёт, маънавий ахлига қўрсатаётган юксак эътибори туйғайдилар.

Сўрдилар: Шейрият — сирли бу олам,  
Яраганим Она айтган алладан?  
Дедилар: Шоирга дўст бўлган қалам  
Кўнглига ишқ ўти тушган палладан!

Сўрдилар: Илк бора қачон одамзод  
Шаҳарлар тиклаган тупроқ — заррадан?  
Дедилар: Рим, Мадрид, Афинанинг қўй,  
Далилин излагин Эллиқалъадан!

Сир эмас, Истиқлол йилларида мунтазамлик касб этган икита катта адабий анжуман шаклландилар. Булардан бири ҳар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиладиган кўнғирот ёш ижодкорларнинг Зомин семинар-кенгаши бўлса, иккинчиси Эллиқалъа туманида бўлиб ўтадиган "Ақчакўл илҳомлари"дир.

Бу йил мазкур анжуман янада ўзгача тароват касб этди. Унинг аҳамияти, нуфузи, мақоми юксак даражага кўтарилди. Шу боис энди бу байрам "Хуррият наволари" номи остида ўтказиладиган бўлди.

Ой шўбасида жилаваланиб турган Ақчакўл соҳилида ижодкорларимизни Эллиқалъа тумани ҳокими Неъматилла Худойбергандон бошчилигидаги туман ахли тантана билан кўтиб олдилар.

"Сувора"лар "Сегоҳ"ларга, ундан сўнг "Дугоҳ"ларга уландилар.

Она юртининг ялғизу қизғалдоғи, далау даштини севиб қуйлаган Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуфнинг номи бугун муҳлислар юрагидан мангу қолган, десак муболага бўлмас. Эллиқалъа туманидаги Бўстон академик лицейида Муҳаммад Юсуф бўстонининг очилишига бағишланган маросим ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди.

Шоирнинг сиймоси, ўйчан кўзлари акс этган бюстга тикилиб ўйланиб қоласиз: "Улим билан ҳаёт, кўз билан қўшинг орасича", деганларини рост экан. Шоир умри давомида Ватанини қўйлади. Қўнаб қўйлади, яйраб қўйлади. Унинг шеърлари билан айталидиган кўшиқлар чин маънодаги истиқлол наволарига айланди.

Устоз Абдулла Орипов шоир хотирасига қўрсатилган эҳтиром учун Қорақалпоғистон, хусусан эллиқалъа вилоятларида миннатдорчилик билдирди:

— Шогирдим, укам, катта истеъод соҳиби — Муҳаммад Юсуфга қўрсатган ҳурмат ва эътиборингиз учун сизларга катта раҳматлар айтман. Муҳаммад ҳаёти давомида эл-юртининг истиқлолини қўйлади. Мухтарам Юртбошимиз унга Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвон бердилар. Афсус, орамиздан эрта кетди. Аммо унинг шеърлари, кўшиқлари яшаёттир. Демак, у орамизда, сафимизда. Агарки, ўзга бир дийрдан кимдир келиб бирор халқнинг маданияти ва маънавияти қай даражада эканлигини ўрганмоқчи бўлсаю бу халқ қандай ишларни амалга оширган, деб сўраб қолса, унга жавобан, бу халқ фалончи шоирга ҳайқал қўйган, десалар, билингни унга хулоса чиқариш учун шу жавобнинг ўзи етарлидир. Шоирини эъзозлаган, қадрлаган халқ ҳеч қачон кам бўлмайдилар.

Эллиқалъа археология музейи, Гулдурсун қалъасида бўлган чоллари тарихимизнинг ўчмас саҳифалари билан танишдик. "Тоза-бо" овулида фермерларга хизмат кўрсатадиган нефт махсулотлари шохобчаси, Гулдурсун қишлоғидаги 43-мактаб, Қирққиз қишлоғидаги 45-мактабларнинг очилиши эса катта тантананага айлиб кетди.

Давоми иккинчи бетда.

O'ZSANOATQURILISHBANK  
KO'PLARNI TANISHADI —  
MUNOSIBLARNI TANLASHADI!  
Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05;  
Faks: 133-34-26  
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz  
Хизматлар лицензияланган

Нукус шаҳридаги марказий майдондан набирам билан ўтиб бораётсам, кўлида микрофони, ёнида оператори, бир журналист қиз ўтган-кетган йўловчилардан "Бахт дегани нима?" дея сўраб, савол-жавоб қилиб турган экан. Журналист қизимизнинг ўзи чамқоқдек бўлиб, замонавий кийинган, ҳаракатлари дадил, ўзини туттиши, фикр-мулоҳазалари дунёдаги биронта мамлакатнинг журналист қизларидан кам эмас.

Савол берилган одамларнинг бир қатори билганини айтиб, баъзи бировлари эса "Қайдам?" дегандай, елка қисиб бораётди. Шундан мен: "Бахт деганларни жуда кенг тушушча-ку, — деган ўйга берилдим. — Бунга турмуш тажрибаси мўл одамлар жавоб бермас, манови ёшлар учун бу кийин савол! Ҳўш, шу саволни меннинг ўзимга беринча, мен нима деб жавоб берган бўлардим?"

Шу ерга келганда юрагим шувиллаб, чиндан ҳам ҳаяжонланиб кетдим.

— Ростдан ҳам, бахт деганлари нима? — жавоб бера бошладим мен. — Бахт деганларни кўлга илиниб, кўзга кўриниб турадиган нарса эмас-ку.

Шу пайт лоп этиб, ўтган йили қасаба уюшмалари ходимлари делегацияси таркибда Белгия мамлакатига бориб келганимни эсимга тўшиб кетди. У ердан дунёнинг йирик мамлакатлари — Россия, АКШ, Англия, Хитой, Япония каби 60 га яқин давлат вакиллари иштирокида конференция бўлиб ўтди. Раислик ҳам навбати билан бўлди. Ҳар кимнинг олдига микрофон — тенглик яратилган. Мамлакатнинг нуфузи, ер майдони, аҳоли сонини ёки ирқига қараб иш туттигани йўқ.

Кечки учрашув чоғида делегациямиз раҳбари Мазмура Одилова конференциянинг бош нотиғи, Англиядан келган хонимга бир кўйлақлик атлас тўхтади. Бундан кўраган ўша ердаги хотин-қизларнинг кўпчилиги бирин-кетин келиб, кўзларига оловдек кўринган бу матони ушлаб кўриб, елкаларига ёпиб, унга сўнғат асариди баҳо беришди. Мамлакатимиз, урф-одатларимиз ҳақида сўраб-суриштириб кетишди. Шу-шу, конференциянинг қолган кунлари эҳкурсияга чиқадиган бўлса, автовоситани олдинги ўриндиқлари, йилгилишларини — бизларники, ўзбекистонликларники бўлиб қолди. Қаерга бормайлик, бизни сўхбатга тортишди, кўна шаҳарларимизни кўриш орзусида эканиликларини айтишди. Мана шундай лаҳзаларда ажойиб мамлакатнинг, кўли гул хал-

кинг учун, дунё давлатлари билан тенг кадам ташлаётганимни учун фахр-ифтихор туйғуларига беланар экансан. Буларнинг баъри, шубҳасиз, мустақиллик, эркинлик туйғулари.

Журналист қизимизнинг "Бахт нима?" деб сўраган саволига жавоб ҳам айнан мана шу гурур, шу хис-ҳаяжонда эмасми?

Мамлакатимиз мустақилликка эришмаганида, ўтган ўн беш йил ичида манов-манов нарсалар, воқеалар амалга ошмас эди, деб санай бошласан — шунинг ўзи неча-неча бетлик бўлишига ишончим комил. Инсон тафаккурида хусусий мулкка муносабатнинг, қишлоқ ҳўжалигида ерга муносабатнинг шакллари

# ОДДИЙ ИНСОННИЙ БАХТ

ниши, тadbirkorларга эркинлик берилиши, дунё мамлакатларига чиқиб оқиб бериб қўлини, санати-мизнинг ривожланиб бораётгани, қурилаётган янги-янги заводлар, замонавий қорхоналар — буларнинг бари, энг аввало, мамлакатимиз мустақиллиги ва шундан келиб чиқадиган инсон эркинлиги туйғулари эмасми?

Яқинда тугилиб ўтган овулимдаги бир яқин инимнинг тўйига бордим. Эшитишимга қараганда, ўша хонадоннинг бекаси бўлиши келинимиз шу йилнинг июл ойида Қарши шаҳрида бўлиб ўтган республика хотин-қизлари спартакиада-сида иштирок этиб келган экан.

— Аввал соҳа қасаба уюшмаси ташкил қилган оилавий спорт мусобақаларида турмуш ўртоғим, қизим ва икки ўғлим билан қатнашиб ярим финалгача етиб бордик ва совринли ўринни эгалладик, — дейди у. — Шундан сўнг мени спартакиада мусобақаларида қатнашишим учун жамоа таркибига қабул қилишди.

Узоқ бир қишлоқдаги уй бекаси республика спартакиада-сида қатнашиши — оддий воқеа эмас. Давлатимиз янги жамиятнинг янги аъзолари, хусусан хотин-қизларга алоҳида эътибор бермоқда.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда "Ўзбекистоннинг иқтидорли қизлари жағмараси" электрон маълумотлар базаси тузилди. "Нега қизлар жағмараси?" — деб сўрашганимиз мумкин. Сабаби — биргина Зулфия номлидаги давлат мукофоти ташкил этилганидан бундан, бу беллашувда 5000 дан ортиқ номзод қизларимиз қатнашишган. Улар-

нинг аксарият кўпчилиги — иқтидор эгалари. Бу — қанчалар қудратли куч эканини биласизми?!

Атрофимизга назар солайлик. Бутун мамлакат янгилиши либосида. Одамлар ҳаёти, турмуш тарзи ўзгариб бормоқда. Қисқа вақт ичида неча юзлаб ёшларимиз дунё микросидаги мусобақаларда голиб бўлиб, жаҳон чемпиони деган гурурилик номга сазовор бўлишди. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган эди. Дунёни ҳўда-беҳўдага қойиб қолдириш қийин. Аммо биз бугун халқимизнинг салоҳияти, янги тафаккури билан уни хайратга солмоқдамиз.

Илим-фан, маданият соҳаларида ҳам гурур билан тилга олсак арзийдиган воқеалар етарли. Н.Давқороев номлидаги илмий-тадкиқот институти олимлари қорақалпоқ халқ оғзаки шеъри (фолклари)нинг 100 жылдигини нашрга тайёрлаб, бу йил унинг

дастлабки 8 жилдини чоп этишни режалаштирганлар. Халқимизнинг мард, фидойи фарзандлари Олғаёр Дўсназаров, Абу Қудабоев, Утаниёз Бекимбетов, Ҳўроз Эрмонов, Ибройим Бекимбетов, Қўсим Авезов, илм-фанда донг қозонган алломаларимиз Нажим Давқороев, Қалли Ойимбетов, Марат Нурмухаммедов сингари йирик арбобларнинг меҳнатига бугун янгича баҳо берилиб, уларнинг халқимиз тарихида туган ўрни қайтадан белгилиб олинмоқда. Ўзбекистон Қўрамонлари Тўлепберген Қўйибергенов, Ибройим Юсуповлар қаровонбошлик қилаётган адабий-маданият янги истеъдодларнинг қанот ёзиши учун жон кўйдираётган бўлса, қорақалпоқ халқи тарихини тереин тадқиқ қилиб, топишган маълумотларни илмий истеъмолга қиратаётган академик Собир Қамолтов бош бўлган олимларимиз янги давр нафасидан куч олиб, илм-фаннинг янги бекатларида тадқиқ ишларини давом эттирмоқдалар.

Мустақиллик йилларининг ютуқлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Тафаккуримиз эскича буйруқбозлик, қўрсатмалар бериш асоратидан қутилди. Эркин яшаш, эркин фикрлаш бахтига сазовор бўлди. Бу жуда катта бахт ва уни ҳимоя қилмоғимиз даркор. Бундай ҳимоя ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланиши лозим. Негаки, оғоҳ бўлмаган, мустақиллигини мустаҳкамламаган, бу улуг нўматни бало-қазолардан асрамаган миллатнинг эртаси бўлмайди.

Шароп УСНАТИНОВ, қорақалпоқ адиби

# ҲУРРИЯТ НАВОЛАРИ

Боши биринчи бетда.

Туманда бугунги кунда 121 минг аҳоли истикомат қилади. Шундан 28 минг нафарини ўқувчилар, 3 минг нафарини эса талаба-ёшлар ташкил этади. Улар учун 71 та мактаб, 5 та касб-хўнара коллежи, 1 та академик лицей, 7 та иқтидорли болалар мактаби мавжуддир. Биргина 2005 — 2006 йиллар давомида 14 та мактаб тубдан таъмирланди. 2 та мактаб янгидан бунёд этилди. 7 та мактаб эса хашар йўли билан ҳомийлар ва савоҳатли инсонлар ёрдамида қад ростлади.

Гулдўрсун қишлоғидаги 43-мактабнинг очилишида устоз Абдулла Орипов шундай дедилар:

— Агар ҳаво шариданми, вертолётданми Ўзбекистонга тепадан қарасангиз аввало нимани кўрасиз? Ҳамма меҳнат қилаётганини кўрасиз, шундай эмасми? Кимдир гишт теряпти, кимдир йўл қурапти. Бошқа биров экин-тикинга қараган. Яна бошқаси эса сиз учун дунёдаги ҳеч бир таълим даргоҳидан кам бўлмаган коллеж ёки лицей биноси қураяпти. Бир замоналар бу ерлардан Берунийлар чиққан эди. Насиб этса яна чиқади.

— Эллиққалъа туманидаги "Орол болалари" соғломлаштириш оромгоҳида бугун янгича баҳо берилиб, уларнинг халқимиз тарихида туган ўрни қайтадан белгилиб олинмоқда. Ўнда иштирок этган адиблар болаларга ўзларининг янги асарларидан намуналар ўқиб бердилар. Болалар ҳам ўз навбатида улар учун тайёрлаган адабий дастурларини ҳавола этишди.

Эллиққалъа марказидаги муҳташам Маданият саройи, Амфитеатр бугунги кунда мамлакатимиз адабиёт ва санъат аҳли учун ҳам қадрдон, ҳам муқаддас маконга айланган. Негаки ҳар йили истиқлол байрамимиз арафасида устоз шоирларимизнинг Ватанини улғуловчи бетақорор шўёрлари, мана шу масканлар минбаридан жангиллашди. Ардоқли санъаткорларимизнинг юракни сел қилувчи қўшиқлари мана шу сахналарда янграпти.


"Ҳуррият наволари" анжуманини истиқлолимиз чечаклари бўлган ҳажми болажонлар ўзларининг қувноқ кўй-қўшиқлари билан бошлаб бердилар. Шундан сўнг даврага гулдўрс қарсақлар остида бу йил 15 ёшга қаршилаётган, истиқлолимизга тенгдош ёш

ижодкорлар чиқиб келдилар. Қорақалпоғистон республикаси Вазирилари Кенгаши раиси Баҳодир Янгибоев: "Мустақиллик байрамига бағишланган "Ҳуррият наволари" анжуманининг Қорақалпоғистонда, хусусан Эллиққалъада ўтаётганини биз учун ниҳоятда қувончлидир", деди.

Бу анжуман Мустақиллик, тинчлик, дўстлик ва қардошлиқни ҳам тараннум этувчи байрамдир. Зеро, адабиёт ҳаммаша эл-юртни бунёдкорлик, аҳиллик, эзгуликка бошлаган. Шу боис ҳам устозлар: Адабий дўстлик — абадий дўстлик, деб бежиз айтмаганлар.

Шундан сўнг "Ҳуррият наволари" мушоираси бошланди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қўрамонлари, халқ шоири Абдулла Орипов бошлаб берди.

Ун беш йил! Шу йиллар ичида мам-



лакатимиз Юртбошимиз бошчилигида йилдан йилга раванқ топиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, кемамиз тошларга урилмай келаяпти. Лекин бир кун ҳам ганимларисиз яшаганимиз йўқ! Бир қисми четда, айримлари эса афсуски ўз орамизда. Бугун дунё бир катта ҳақиқатни тан олди.

У ҳам бўлса жаҳон харитасида ўз мустақил йўли ва сибсатиға эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган Ўзбекистон давлати пайдо бўлди ва у тобора раванқ топиб бормоқда.

Анжуман ниҳоятда ҳаяжонли ўтди. Меъзонлар ҳар бир иждоқорнинг, иштирокчининг чиқишини олқишлаб турдилар. Мушоирани Жуманиёз Жаббаров, Тўлепберген Қўйибергенов, Александр Файнберг, Махмуд Тоир, Улмамбет Ҳўжазаров, Умида Абдуазимова, Бахтиёр Генжамурод, Уткир Раҳмат, Ошиқ Эркин, Хосият Рустамова, Қўқор

Рокробил ҳамда Зомин анжумани голиблари бўлган қорақалпоғистонлик ёшлар Шахло Шукрулло қизи, Темур Давлетов, Манзура Ёғамбердиевалар давлат эътирдилар. Даврамизга Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, Олий Мажлис қонунчилик палатаси қўмитаси раиси, таниқли ёзувчи Хуршид Қўмитухаммад бошчилигидаги депутатларнинг қўшилиши анжуман файзига файз қўшди.

Анжуман оқшом пайти Амфитеатрда давом этди. Таниқли шоирлар, санъат усталари, эстрада юлдузлари иштирокчида давом этган бу таъбир чин маънода хуррият наволариға айланди.

"Тоza Амробида" қишлоғида Ўзбекистонда хизмат қўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими Тожиғули Аширова раислигидаги фермер ҳўжалиқлари уюшмасига таширф бюрганнимизда бир опамизнинг айтган дил ихори ҳам хуррият наволариға эш эди: "Биз бу ерда ўзбек, туркман, қорақалпоқ, аҳил, куда-анда бўлиб яшаймиз. Бу жойлар аждоқларимиз бир тан, бир жон бўлиб чинордай шох боғлаб ўтган жойлар. Менинг отам туркман, онам қорақалпоқ, турмуш ўртоғим ўзбек. Бу ерларда бирорта таъбир Навоий ва Оғаҳий, Бердақ ва Махтумқули газаллари, шеърларисиз ўтмайди. Барчамизни бу ерда Ўзбекистон деган


қутлуғ Ватан бирлаштириб туради. Бейхитёр лабарнингиз машхур шўерий сатрларни шивирлайди:

Кел, азизим, ёнимга,  
юлдузмисан, оймисан,  
Юртдошимсан ҳаммисан,  
юпумисан, боймисан,  
Ватандошим шу тенгсиз  
Ватанини қуйлашайлик,  
Замон келди, бизлар ҳам  
дунёга бўйлашайлик.  
Ўзбекистон — ягона  
Ватан учун яшайлик,  
Ватан ичра бу гўзал  
чаман ичра яшайлик.

Минҳожиддин МИРЗО,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
раисининг ўринбосари

# "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ГОЛИБЛАРИ

1. **Гулнора Абдурахимова, Анастасия Коразина** (режиссёрлар) — "Ўзбекистон — Ватаним маним" ҳўжатли филми учун
2. **Баҳодир Аҳмедов** ("Ўзбектеlevision" студияси режиссёри) — Тошкентнинг бугунги қиёфасини беэаб турган замонавий иншоотлар ҳақидаги "Бунёдкорлик", "Табаррук даргоҳ" телефилмлари учун
3. **Эсиргап Болиев** ("Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири) — Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни кенг оммага етказишга ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзуларга оид туркум мақолалари учун
4. **Камол Матёқубов** (таржимон) — Шаҳобиддин Мухаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди" асарини таржимаси учун
5. **Феруза Мухаммаджонова** ("Тошкент" телерадиоканалининг катта муҳаррири) — "Мустақиллик майдони", "Наврўзнинг қайтиши", "Талабалар шаҳарчаси" видеофилмлари учун
6. **Берди Раҳмат** ("Ўзбекистон" телерадиоканалининг катта муҳаррири) — "Умр дафтарини" туркум радиоэшиттиришлари учун
7. **Номоз Саъдуллаев** ("Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири) — Ижтимоий-сиёсий ислохотлар, тadbirkorлик, фермерлик, қасаначилик ҳақидаги публицистик материаллари учун
8. **Аҳад Тўхтақоҳунов, Муҳаббат Шербўтаева** (дизайнерлар) — Истиқлолни мадҳ этувчи панно ва плакатлари учун
9. **Турсункул Шаймарданов** (рассом) — "Сумалек" ва "Бешик тўйи" картиналари учун
10. **Раъно Шодиева** (киноактриса) — "Ватан" филмида яратган ўзбек аёли образи учун
11. **Вазира Қаландарова** (фотосуратчи) — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"га бағишланган "Бебугор болалигим" туркум фотолари учун



# ЗИЁРАТ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уч юздан зиёв хотин-қизлар Бухорои Шарифни зиёрат қилдилар.

Утмишининг бирор ёркин зарраси, аждоқларимиз бизга қолдириб кетган мероснинг ҳар бир пурмаъшо саҳифаси дилларга зиёв баъшо этади, одам шуури ва ақлини мунаввар қилади, қалбларда ўтганларга эҳтиром рўҳини уйғотади. Айниқса, она Ватанининг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш, осори-атиқалардан баҳраманд бўлиш кишида ўз юртидан фанранлиш, гурур хисларини янада кўш урдиради.

Тошкентдан кечқурун йўлга чиққан поезд эрта тонгда Бухорога, Қогон темирйўл станциясига етиб келганда қадимий шаҳар нафасини ҳис этар эканми, ҳаёлимдан шу гаплар кечди.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида яшовчи уч юздан зиёв фаол аёллар Бухорои Шарифни зиёрат қилиб қайтидилар. Биз шаҳарга 100 кишидан иборат учинчи гуруҳ билан бордик. Поезддан тушишимиз билан Бухоро



ро вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Махбуба Содиқова бошчилигидаги жамоатчилик вакиллари ва қўлларда гулдасталар турган миллий либосдаги қизларни кўриб, ҳаммамизнинг қўзимиз қувнади.

1997 йили ўзининг 2500 йиллигини нишонлаган, ҳудудда тўққиз юздан ортиқ тарихий бинолар жойлашган Бухорога сафаримиз Чор Бақр тарихий-мемориал мажмуани зиёрат қилишдан бошланди. 1999 — 2002 йилларда қайта таъмирланган бу тарихий ёдгоруға, қанчалар қадимий, ота-боболаримиз илм-маърифатни нақадар юксак қадрлаганларини янада чуқур хис этдик.

Ситоран Моҳи Хоса ёдгорлигининг ўзига хос тарихи, унинг соясалқин ҳовлисида сайр қилиб юрган товуслар нақадар чиройли бўлса, ёдгорлик олдидидаги бухориларни қасаначи аёлларнинг маҳсулларидан иборат савдо сўғатларисиз шу қадар хайратли. Расталардаги ранг-баранг хўнармандчилик буюмлари, миллий матолардан анъанавий услубда ти-

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Эндилкида миллий сахнада факат ёшлар эмас, нуруний отахон ва онахонларнинг ҳам чиройли либослар кийиб завқ билан қўйлаётганларини кўриш мумкин. Бухоро вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси "ҳамда" "Нуруний" жағмараси вилоят бўлими ҳамкорликда республикада биринчи марта Табарук Садриддин Айний номидаги вилоят театрида нуруний ижрочилар кўрик-танлови ўтказди.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрамига бағишланган ушбу таъбир икки босқичда ўтди. Туман ва шаҳар босқичларида голиб чиққан 14 иштирокчи вилоят босқичга етиб келди. Танловда биринчи ўрин Жондор туманидан 81 ёшли Зиёдулла Раҳматов ва Шодирқон туманидан 67 ёшли Бекмурод Каримовга насиб этди. Иккинчи ўринга қогонлик Неъмат Жўраев, Вобкент туманидан Мухаммад Турсунов, учинчи ўринга гиждуволик Рамазон Холов, Бухоро туманидан Амин Самиев сазовор бўлилар.

Аббос Бакиров номлидаги Андижон давлат ёшлар театрини жамоаси вилоят халқ таълими, вилоят ўрта махсус касб-хўнара бошқармаси билан ҳамкорликда драматург Иномжон Турсуновнинг

"Қабоҳат комиди" фожойий драмаси асосида сахналаштирилган спектаклни намойиш этди. Асосий ролларни театрининг истеъдодли актёрлари Воҳид Турдиев, Сойиб Мирзаев, Барно Мирзакаримова, Аъзам Султонов, Нигора Махлунова, Зайниддин Бўтаев, Алижон Жўраев, Абдусалом Бегимов, Улғубек Гафуров ижро этмоқда. Иждоқорлар гиёҳандлик, фохизабозлик каби иллатларнинг ёмон оқибатларини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистонда хизмат қўрсат-

# ТЎЁНА ЮТУҚ

Мамлакатимизда шахмат ривожига катта ҳисса қўшган устоз Мамажон Муҳиддиновнинг бу машхур ибораси кўпчилигимизнинг едимизда. Бу ибора ўтган қашанба кунни Бўстонликдаги шоир ва ёзувчиларнинг дала-боғида кўп бор тилга олинди. Бу ерда иждоқор зёбиларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган анъанавий шахмат мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақа иштирокчилари беллашувлар бошланishi аввалида яқин йиллар ичида орамиздан кетган бир қатор адиблар — Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Бегали Қосимов, Шукур Холмирзаев ва бошқаларни ёд этдилар. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли ва келгуиси авлодларга қолдирган маънавий мероси яна бир бор эътироф этилди.

Шахмат беллашуви, аввалги йиллардагидек, кескин ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Турнир ҳакамлари ҳай-ҳайлашмас, иштирокчилар қолиб, ишқибозлар доналарга кўп нўзворадиган ҳолатлар кўп бўлди.

Мухбирлар Шодмонбекдан ҳол-аҳвол сўрашганида, ҳажвчи дўстимиз жавобини мухтасар қилди: "Яқинда Азимбой дўстимиз ўглини улайди, тўйига бормай тўёна ҳам беролмагандим..."

Носир Мухаммад — Ортиқбой Абдуллаев учрашувда устунлик гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда бўлиб турди. Агарки, хаваскорларнинг ўзаро учрашувлари ҳам шахмат тарихига кирганида, айни шу уйиндан ўтадигани бўлмасди.

Гап шундаки, Носир Мухаммад факулдада хайрихолик билан рақибининг хатоларини кўрсатиб, унга ҳўжумни қўчатириш йўллари айтиб турди, бир гал татто (бунақаси тарихда бўлмаган!) йирик бир фигура-сини қайтариб, ҳам берди. Аммо, охирида. Эҳ, хўб фойдайи бўлинда бу шахмат деганлари. Исминини ошкор қилишимизни истамаган



бир дўстимиз қатарасига уч бор мағлубиятга учрача, уйинни йир-ғиштириб, ҳил-ҳил пишган шафтоли соясига шўер ёза бошлади:

Билсан дўстим, бу ўйин қизик,  
Гоҳ ютқандай ширин ютқизик...

Сайди Умиров — Бойбўта Дўстқороев беллашувда шахмат ўйини муаммоларидан кўра бугунги журналистикамизнинг ютқич-камчиликларига кўпроқ бағишланди. Икки фидойи устоз шу жойда ҳам ўзларига содиқ қолдилар.

Кескин курашлар натижасида бу йил ҳам голиблик барча рақибларини ениб, беш имкониятдан беш оқо тўплаган ҳамкасбимиз Асқор Мўминга насиб этди.

Турнир якунида иштирокчиларга хомийларнинг совға-саломлари топширилди.

Ўз ахборотимиз.



Г.УМАРОВА

Зиёвиддин МАНСУР



ВАТАН ТАВСИФИ

Бўлса гар Ҳақ ҳукми-рағбати, Йўқликда ҳам борлик бунёдир.

Қаерга Ҳақ меҳри тушса бир, Шу юрда нақ жаннат юз очгай,

Ҳеч жой бу тупроққа келмас тенг, Ризқ балқир унинг пок жисмидан,

Қай элни сийласа Яратган, Оди бир шоҳ билан қўлгай.

Тилсимлар шу юртдан олиб жой, Гузаллик уни тарк этолмас.

Даф бўлур машаққат говлари, Унга терс гоғлар эрур пуч.

Бу ҳаққат, Бу қисмат, Бу ҳикмат — Сена хос аркони маҳзаним,

Ватаним! Сенаги чўпу хас Мисоли кўзимга тўғий,

Шу дамлар шукрини қилгин...

Бир кун жон ёт бўлар бу танга, Бир кун Ҳақ қошига етурман,

САДОҚАТ Она юрта содиқ, тоатли Бўлмоқ учун асл мулозим,

Ичмаса ҳам улар онг — Қасам, Бўлиб она-юрт учун қалқон,

Қаранг, Она-юртнинг тупроғин Дарахтлар жон қадар суярлар.

Турсалар-да улар наҳор-оч, Елга бериб бори бурдини,

Улар дарахт эмас, Чинакам Юртнинг содиқ ўғлони улар.

ҚАРҒАЛАР Бу дунёда ҳеч битта одам Нони, иши кетмас бедарак.

Она-юртта Булбул, Саъвалар Келса борлик гуллаган пайти,

Кулоқ солинг, Улар басма-бас "Диёр" — деб мадҳ ўқишмас бежиз,

Юртдаги гўнгни ҳам муқаддас Нон ўрнида чўқишмас бежиз...

Эвоҳ! Кабир гуноҳга ботган Кимсаларнинг оҳ-воҳи улар,

Қилмишдан ранжиб чинакам, "Қар-қарр" этиб оҳ-фарёд урар.

ОГОҲЛИК

Дилларга байраму тўй сифармида, Ватан тинч, Осуда бўлмаса замон!

Қўзларга тўр солиб хавотир-ҳадик, Ҳақиқат юзига боқа олмай тик,

Зарбалар зарбидан титраса борлик, Азобга дўнамасу орому ҳордиқ,

Фарзандлар жангоҳда бўлсалар нобуд, Оналар бўлса кучоқлаб тобут.

Дерлар: ким асранса асрагай Оллоҳ, Ватани асрайлик билиб саждагоҳ,

Шу дамлар шукрини қилгин, эй элим, Яйрагин, ўйнагин-қулгин, эй элим,

Бандангиз, пок номинг ҳар пок дилга жо, Лек тотув яшайи чиқарсак низо,

Одам Атодан то бу кун Чоптириб умр чобукин, Асраган эл миллат юкин,

Бу йўлларда нор изи бор, Ёмғир изи, қор изи бор. Ўзбек изи, ор изи бор,

Ўзбек элим улкан чинор, Ҳўсон икки томири бор, Шохлариди юлдуз ёнар,

Мен дўст ҳақда ўйладим ҳуб, Ўйларимнинг сабоғи бор.

Дўстда душман кулоғи бор, Душманда дўст сиёғи бор.

Балки бунинг барига сабаб Телба кўнгил шавқ-шарораси.

Бунга сира ишонмас одам, Ишонса ҳам тушунмас, тайин.

Орта қараб илгари юриш... Бунга фақат муҳаббат қисмат.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Маммакатимиз нашриётларида қуйидаги янги китоблар нашр этилади:

Саъдулла ҲАКИМ

ЎЗБЕК ЭЛИМ - УЛКАН ЧИНОР

Улгайиш — бу табиий бир ҳол, Лек табиий ёшариш қийин —

Чашпа оқиб бораётирман Беихтиёр Сангзор сингари...

Унут мени, айрилиққа кўн, Ҳижрон — умид, дийдор — изтироб.

ИСТИҚЛОЛ

Ҳаёт маъносини баҳор айёми Барқ уриб яшнаган гиёҳдан ўрган.

ГУЛҲАН

Гуруллайди гулхан — оташ ўрдаси, Забтидан сесканар одамнинг эти.

ЧЎЛПОН ЕДИ

Шодлик ўз йўлига, тек турмас шайин, Бу дунёда асли ҳақмага қийин.

БЕДИЛОНА

Ҳавойи сўз эмас сукут, андиша, Тойса тилдан тояр одам ҳаминша.

ОНАИЗОР

Онаизор юзга кириб кўз юмди, Кўкни тутди фарзандларин олмаси.



Эрта ташлаб кетдингиз, деб бўзларди Ошпоқ сочли саксон ёшли боласи!

УМР ФАСЛИ

Ёшлик бошқа экан, йиғитлик бошқа, Энди тор кўринар аввал кенг йўлак.

ОВЧИ

Оху қочиб борар кўзи тўла гам, Овчи қувиб борар изидан қуврам.


ҲАҚИҚАТ

"Ҳақиқат эгилар, синмас". Қай замон Қай бир зот шундай деб айтгани аён.

КҮЙГАН КҮНГИЛ


Ҳажринда кўзим тўкмаса бир нам Ишқини, эй ёр, чиқарма йўққа.

Кейинги пайларда баракали ижод қилаётган адиб ва публицист Абдумулла Абдуллаевнинг навбатдаги китоби "АЛУШТА ЭРТАГИ" деб номланади.



Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, муҳаррир Шукр Курбон, адади 1000 нусха.

Иқтидорли шоир Камол Раҳмоннинг яқинда чоп этилган "САЖДАГОҲИМ..." номли тўпламидан, асосан она-Ватан, Истиқлол каби барчамиз учун



Ватаним! Юлдузли тунларнинг сокин, Истиқлол тонларнинг кушдан ёркин.

"Саждагоҳим..." тўлами "Хуққ ва бурч" журнали кутубхонасида тайёрланиб, "Max Print" масъулияти чеklangан

Амударё маст таяга ўхшаб пишқирганича, киргоқларига асабий бош урар, соҳилдан ўпирилиб тўшаётган тупроқ уюларини бир зумда ямлаб ютарди.

учун кадрдон гўшани сира тарк этгиси келмас, лекин ички бир сезгирлик бўйнига сиртмоқ солиб, тик киргоқ томонга сударарди.

қўним топиб, баҳоли қудрат умр басар этган манзил эди. Сўнгги манзил аввалгидай тўкин-сочин бўлмаса-да, хар қалай, амаллаб қорин тўйдирса бўларди.

ғимирлаган жонзотларни егини келмади... У ахир, султон эди, султонлигича қолмоқчи бўлди.

ЙЎЛБАРСЛАРНИНГ СЎНГГИ СУЛТОНИ

хам оч тўлкинар қўлида ўйинчоққа айланганида. Уларнинг жон талвасидаги чинқириқлари йрак-бағирни эзиб юборарди.

давом этардилар. Аму соҳилидаги бетакрор тўқайзорларнинг бир қисми сув тошқини қурбонига айланган бўлса, аксарияти одамларнинг қўли билан гумдон қилинди.

жуда яхши билади. Узоқ йили у жуфти билан хонгулнинг тотли гўштига тўйиб олган, соҳилда эринибгина сайр этарди.


нукрадек ярқираб, кўзларини қамаштирди. Йўлбарсдаранинг сўнгги султони сўнгги кучлари танасини тарк этаётганини сезиб,



Дарё ҳамон пишқираб, Йўлбарсдара аталмиш сўлим тўқайзордан энди ном-нишон ҳам қолмаганди.


Тўқай беги тошқин оқибатида ўз маконидан ажраб, саҳрода сарсон юрган йўлбарснинг ҳамма қилқилларини билар,

Ашурали Боймуроднинг "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "МЕҲР" номли сайланмасига сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али шундай дейди:



Тўплам муҳаррирлари М.Ахмедов, А. Кутбиддин. Адади 3000 нусха.

Лутфулло Маҳмуднинг "Зарқалам" нашриётида чоп этилган янги шеърлар тўламини "КАЙДАСИЗ?" деб номланган. Унга шoirнинг сўнгги йилларда ёзган шеър ва балладалари киритилган.



Шоир Ҳумоюннинг янги тўлами Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриётида чоп этилди.



Тўламуҳаррирлари М.Ахмедов, А. Кутбиддин. Адади 3000 нусха.

"Янги аср авлоди" нашриёти ижодкорлари қашқадарёлик шоир Али Ниёзининг "ВАҚТ ЗАРБИ" номли шеърлар тўламини босмадан чиқаришди.



миз. Китобга филология фанлари доктори Бойназар Йўлдошев сўзбоши ёзган. Муҳаррир Азиз Саид, адади 1000 нусха.

Андижондаги "Ҳаёт" нашриётида Мухаммад Мирзо ва Жалолдин Муслимининг ўзбек ва рус тилларидаги "ШАФФОФ БУЛОҚЛАР" номли китоби босмадан чиқди.



Жабборов безаган. Муҳаррир Нўмон Абдулмажид.

**1925 йил. Ота-онаси Тошкент у ёқда турсин, Амударёнинг нариги соҳилига ҳам ўтмаган хоразмлик навқирон йигит Москвага бориб, машҳур университетнинг совет ҳуқуқи факултетига ўқий бошлаган эди. Бир кунги "Горький Москвага келаётган эмиш", деган хабар тарқалди. Уч-тўрт кундан кейин М.Горький Москвага қайтиб, Катта театр залида меҳнатқашлар билан учрашди. Раҳмат, бошқа талабалар сингари, улуг' ёзувчи билан учрашиш иштиқоқда зар юриб, таклифнома топди.**

**Бу унутилмас учрашув Раҳматда ширин орзуларини уйғотиб юборди. У нафақат рус, балки қардош халқларнинг ҳам меҳр-муҳаббатини қозонган эди билан яқиндан танишиш, унинг машҳур романларини ёзган қўлини сиқийш истаги билан ёнарди.**

Хоразмлик таниқли маданият арбобларидан бири Раҳмат Мажидий бундан 100 йил аввал, 1906 йили Хива шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келди. Уша вақтда Хоразмда "Еш хиваликлар" маърифатпарварлик характери тўғрисида йигит ва қизларни Тошкент, Боку, Қозон шаҳарларига ўқишга юбориш расм бўлган эди. Эски мактабни тугатганидан кейин Раҳматнинг отаси ҳам ўқилини 1917 йили Оренбургда — машҳур "Хусайния" мадрасасига ўқишга юборди. Раҳмат ўқув йилини тугатиб, Хивага таянлик келди. Аммо Россияда рўй берган инқилоб тўғрисида Оренбургда қайтиб бормади.

У 1922 йилнинг кузида Тошкентга келиб, Наримонов номидаги мактабда ўқиди, кейин ўқилини Ўрта Осий Давлат университетининг ишчилар факултетига кўчирди. 1925 йили бу факултетни тугатиб, Москвага йўл олди. Аммо иссиқ ўлкалардан келган ёшларнинг Москва ва Ленинград сингари совуқ шаҳарларда ўқиши осон кечмади. Раҳмат ҳам 1928 йили, бошқа айрим ватандошларидек, сил хасталигига йўлиқиб, она юртига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

30-йиллар бошида шўро ёзувчиларининг ягона уюшмасини ташкил этишга қаратилган саясий-ҳаракат бошланди. 1932 йил 6 июнда ўтказилган Тошкент ва Самарқанд ёзувчиларининг биргаликда кенгайтирилган мажлисида Раҳмат Мажидий ўриндошлик асосида шўро ёзувчилари уюшмаси ташкилий қўмитасига раис, Ойдин эса котиб этиб сайланди. Уша кунга қадар Ўзбекистон йўқил ёзувчилари уюшмасининг "Қурилиш" номи билан чиқиш турган журнали "Ўзбекистон шўро адабиёти" номи билан Раҳмат Мажидий муҳаррирлигида нашр этила бошлади. У 1933 йил февралда Бутуниттифок шўро ёзувчилари Ўрта Осий бюросининг, шу бюро нашрлари — "Советская литература народов Средней Азии" журнали ва "Литература Средней Азии" газетаси тахрир хайъатларининг аъзоси этиб белгиланди. Ниҳоят, 1934 йили Ўзбекистон шўро ёзувчилар уюшмаси ташкил этилиб, Раҳмат Мажидий мазкур уюшмага раис этиб сайланди. Раҳмат Мажидий 18 августда Москвада тантанали суратда очилган Бутуниттифок ёзувчиларининг биринчи курултойига ўзбек ёзувчиларининг сардори бўлиб борди ва М.Горькийнинг машҳур маърузасидан

**31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кун**

томонидан ижод қилинган ва узоқ вақт ўз кучини сақлаб келаётган асарларни эслатиб ўтди. Бу қисса, лексин мазмундор суҳбат бир умрга хотирада қолди".

Уша вақтда Ёзувчилар уюшмаси олдидан турган муҳим вазифалардан бири насрни ривожлантириш эди. Раҳмат Мажидий шу мақсадда А.Қодирий, С.Айний каби тажрибали адиблар билан учрашиб, ўзбек насрини ривожлантириш учун, аввало, ёзувчиларга ижодий ша-

квада эди. Балки шу сабабандир қатағон қиличи унинг юрагига санчилмаки қолган. Аммо 1941 йили қизил армия шиддат билан Москва сари чекинганда у ҳам, айрим кишилар сингари, ҳавотирга тушган. Некбин кайфиятли дўстлар: "Бу вақтинчалик чекинмиш", деганларида, у бундай жавоб қайтарган: "Нималар деяписиз, биз ҳамма нарсани вақтинчалик, вақтинчалик, деб келмоқдамиз. Биз бундай гапларни 23 йилдан бери эшитиб келмоқдамиз. Бундай ҳолат кейинчалик ҳам давом этади, ҳатто авлодларимиз даврида ҳам. Айтишлари-ча, олдинги замоналарда сотқинларни жазолашган бўлишса-да, уларнинг оиласига тегишмаган. Ҳозир эса шўро давлати уларнинг оилаларига ҳам тинчлик бермапти". Бошқа бир сафар эса у бундай деган: "Германия билан уруш бизнинг ҳуқуқатимизнинг провокацияси билан содир бўлди. Агар сиз ҳозир меннинг гапимга ишонмасангиз, эртага тарих шу гапни айтади".

Раҳмат Мажидий шундай ҳақ гаплари учун 1941 йил 18 декабрда қамоққа олинди ва 8 йил озодликдан маҳрум этилиб, азоб-ўқубат чеқди. 1949 йил 22 декабрда озодликка чиққач, оиласи истикомат қилган Урганч тумани Чадирқийёт қишлоғида сувчи, кетмончи ва табелчи бўлиб ишлади. Аммо бу озодлик, ўзи башорат қилгандек, "вақтинчалик" озодлик эди.

1950 йил 22 июнда Раҳмат Мажидий иккинчи мартаба қамоққа олинди. Энди уни нафақат 1941 йилда айтган сўзлари, балки Москвада тахсил кўрган 1937 — 1938-йилларда Ўзбекистондаги "халқ душманлари"нинг фаш тилишига ёрдам бергани ва гўё оғирларга қарши ақиллиққобил ташкилотнинг аъзоси бўлгани учун Красноярск ўлкасига номаълум муддатга бадарга қилишди. Агар 1937 йили Раҳмат Мажидийнинг акаси Абдулла Маждидов, қайнопаси Марям Султонмуродованинг ҳам қатағон этилиши тарихини ёзсак, бу оиланинг чеккан азоб-ўқубатлари фожиали бир дoston бўлади.

Раҳмат Мажидий Сталин вафотидан кейин сургундан қайтган, Тошкентда оиласи билан яшаб, Тил ва адабиёт институтида хизмат қилди. 1960 йили Огаҳийнинг "Таъвиз ун-ошиқин" девонини катта сўзбоши билан нашр этди. 1961 йили "Огаҳий лирикиси" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, 1963 йили уни монография тарзида эълон қилди. Бундан ташқари, "Ўзбек шеърини антологиясини"нинг 5-жилдини, 15 жилдли Алишер Навоий "Асарлар"нинг 1-4-жилдларини, шунингдек, рус тилида 10 жилдли Навоий "Асарлар"нинг 3- ва 5-жилдларини нашрга тайёрлаш ва тахрир этишда фаол қатнашди.

Аммо куч, сиҳат-саломатлик уни тарқ эта бошлаган эди. Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси 1983 йил декабрда 77 ёшида вафот этди.

Наим КАРИМОВ

**УЮШМАННИНГ БИРИНЧИ РАИСИ**



роит яратиш, атоқли ёзувчилар билан мулоқотлар, семинарлар ташкил этиш, энг яхши асарлар учун танловлар эълон қилишга киришди. Унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ёзувчилар учун Тошкент шаҳрининг Инжиқобод деган чекка жойидан боғ ажратиб беришди.

"Боғни обод қилиш, — деб эслган эди Р.Мажидий, — уни ёзувчилар дам оладиган ва ижодий иш қиладиган илҳомбахш гўшага айлантириш зарур эди. Мен Тошкентнинг Самарқанд Дарвоза томонида Абдулла аканинг нашъали боғи борлигини ва уни ёзувчи ўз қўли билан меҳр қўйиб обод қилганини эшитган эдим. Шу эсимга тушиб, мазкур боғни қандай обод қилиш хусусида Абдулла акадан маслаҳат сўрадим".

А.Қодирий уюшма раисига маслаҳат беришга қўлмай, боғни обод қила оладиган миришкор боғбон ва шoirтабиат инсон Иноғом отани ҳам топиб берди ва бу боғ тез орада ёзувчилар ўртасида машҳур бўлиб кетди.

1935 йили Р.Мажидийнинг ташаббуси билан ташкил этилган танлов якунига қўра, С.Айнийнинг "Қуллар", А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романларига иккинчи, Х.Шамсининг "Хуқуқ" романига учинчи мукофот берилди, А.Қодирийнинг "Обид кетмон", Чўпоннинг "Кеча ва кундуз" романига нашрга тавсия этилди. Аммо бу вақтда Раҳмат Мажидий нима сабабандир Москвадаги Қизил профессорлар институтига ўқишга юборилган эди. У икки ярим йил давом этган ўқишни тугатиб, 1940 йилга қадар Москва шаҳридаги Молотов номи фабрика қошида катталар учун очилган мактабда аввал ўқув бўлими мудири, кейин директор бўлиб ишлашга мажбур бўлди. У 1940 йили Москвага хизмат сафари билан борган Усмон Юсупов билан учрашиб, ундан ўз ватанига қайтишга ёрдам беришни сўради. Сўнгра саркобининг илтифоти билан Тошкентга келиб, Ҳуқуқ қошидаги Тарих, тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаш бошлади.

1937 йилнинг дахшатли воқеалари бошланганида Раҳмат Мажидий Мос-

кейин ўзбек адабиёти бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

"Съезд кетаётган кунларнинг бирида, — деб эслган эди Раҳмат ака, — менга Алексей Максимович билан яқиндан суҳбат қилиш имконияти тугилиб қолди. Суҳбатнинг дастлабки пайтида менда ҳозир ифода қилиб бериш мумкин бўлмаган аjoyиб бир туйғу пайдо бўлди. Албатта, ҳаяжон... Лекин гап мавзуси иш борасига ўтиши билан вазият ўзгариб, бир-бирига тенг киши ўртасидаги россана суҳбатга айланди. Бу вазиятни Алексей Максимович тугдирган эди. Мен Ўзбекистондаги адабиётнинг аҳоли ва ўсиб келаётган ёш кадрлар ҳақида қисқача гапириб бердим. У киши меннинг сўзларимни зўр эътибор билан тинглади, сўнг фолклор материалларидан фойдаланиш ва халқ шоирлари ўртасида бораётган ишлар ҳақида саволлар берди. Мен қисқача жавоб қидим. Суҳбат охирида Горький:

— Халқ ижоди ниҳоятда бой. Биз, ёзувчилар, халқ ижодидан фойдаланамиз. Сизда, умуман, Ўрта Осий халқларида халқ оғзаки ижоди бой. Шу соҳага, айниқса, эътибор беришингизни сўрайман, — деди. Сўнг халқ шоирлари

**БЎЗСУВ БЎЙИДАГИ СУҲБАТ**

Уйга қутилмаганда Матёкуб ака қўнироқ қилиб қолди:

— Эртага соат ўн бирда кўришайлик. Мен Анҳорда бўламан.

Домла ёзми, қишми, табобат юзасидан Анҳорда чўмилир эди. Устознинг муҳим, деб билган гапи бўлса, уй ёки идорада учрашмасди. Ёшлик пайти ҳар хил сургул ва суронлар гувоҳи бўлган, Иккинчи жаҳон муҳорабасида ўт-олов кечган, кейинчалик адабиётшунос сифатида танилиб, катта ёзувчиларнинг номақбул асарларини ҳайқимди, аввасиз танқид қилган бу одамнинг қони-жониди гурур, матонат, журъат билан бундай эҳтиёткорлик орасида қандайдир англаш қийин зиддият кўзга ташланарди.

Қисқаси, Матёкуб ака Анҳордан сўз очганида уни менга тегишли бир гап кечовта қилаётганини дарҳол хис этдим. Шу паллада домлани таниб, шоғирларидан бири бўлганимга қирқ йилдан ошган эди.

Шу кундан бошлаб, нимаки ёзсам, қизикиб кўзи остида тутди, мақолалари, китобларида фикр билдирди. Илм соҳасидаги шоғирларига эътибори аниқ, уларга шу қадар меҳр кўрсатганики, сўз билан ифодалаш қийин. Домла меҳрибон ва талабчан эди.

Шукур ва камина қачон ҳаётда бир мураккаблик, турмушда бир чигаллик қисса Матёкуб аканинг уйига юзлаб борганимиз. Ундан маслаҳат олганимиз. Ёшлик пайти эмас, кейин ҳам у биз учун ҳар қандай шароитда одамийлик шартини бажарган жиддий инсон тарзида ўрнак бўлган.

Балки адашарман, балки бу олимлар иши, бироқ менга Матёкуб ака йилдан-йилга "адабиётдаги қусурларни танқид қилиш"дан "адабиётнинг тарғиб қилиш"га ўтиб борадиган туюлади. Тарғиб ҳолат давр белгиси ёки дунёда кўпроқ "яхши сўз айтиш"га интилиш натижасими?! Назаримда, домла талабчанликни бироз "усайтирган", ёзиши шарт бўлмаган баъзи-



(Ҳозирги Миллий университет) қирган ёзи, янги талабалар ҳали на Озод Шарафидинов, на Лазиз Қаюмов, на Матёкуб Қўшоновнинг қимлигидан хабардор, уларнинг инсоний қислатларию, илмий даражасидан воқиф эдик. Биз учун улар дарс бериши керак бўлган домлар эди, холос. Ушунда Матёкуб ака илк дафъа дарсхонага кириб келгани эсимда.

У аслида XX аср адабиёти, айниқса, наср (Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор жумд) бўйича мутахассис, лексин унга мотоз шеърятдан машғулот олиб бориш топширилган экан. Домла бизга буни очик айтиди ва мулоийм қулимсизга, камтар кўйда, ўрганганимни сизларга етказаман, қолганини бирга ўрганамиз, деди. Умуман, Матёкуб ака умри сўнгги гапга, илмида катта макве эгаллаганида ҳам, "ўрганиш" деган сўздан ор қилмас эди. Ноаниқ бирон масала чикса, рўйирост, мен буни яхши билмайман, ўрганиш керак, дер эди. Уша дастлабки машғулотлар эса, домла қўлидан қафддек бир неча қозғач қикариб, уларга аён қўш ташлаганича, ўтишдаги улуг' шоирларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида "ўз кузатишлари"ни ҳикоя қила бошлади... Орадан анча йил ўтгач, домладан икки-уч марта шу ёзувлар сақланганим, деб сўрадим ва улардан бир китоб тузилса, яхши бўлишини айтдим. Домлага тақлифим маъкул тушди. Лекин "кафддек қозғалар"ни тополмадимки ёки астойдил қидиришга ҳафсала қилмадимки, ҳарҳолда, афсуски, адабиёт тарихига тегишли ажиб бир кузатувлар домланинг ўзи билан "бирга кетди". Шу ўринда яна айтишим керак, мавлоно Лутфий ва Алишер Навоийга бағишлаб асар ёзганимда, Матёкуб аканинг бизга талабалик давридан "юққан услуби"дан фойдаланганим. Даҳо сўз санъаткорлари ҳаёти ва қисматини уларнинг ижоди (ўз сўзи) орқали ёритишга ҳаракат қилганман.

Дорилфунунда адабиёт тўғрисида бор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Анвар Исроил, Тўлқин, Чингиз Долимов ва бошқа кўп иждоқорлар қатнашар, Матёкуб ака раҳбар эди. Бу тўғрар сабабли домлани менга қайноқдан таниш бўлиб юрдим... Шу пайтда домла уй кураётган эди. Тўғрароғи, уй қурилиб битган. "Пардоз-андоз"и қолган, бу ишни домла ўзи бажараётган эди. Биз Шукур билан бир-икки ҳашарга бордик. Кейин баъзан якка бориб, домлага қарашган бўлдим. Ора-орада ундан-бундан суҳбатлашардик. Бу суҳбат ҳам эмасди, мен адабиёт бобида ўзини қизқирган нарсаларини сўрар, домла тушунтирарди... У билан бемалол сўзлашиш мумкин, афти-ангори, хатти-ҳаракатида айрим "катта кишилар"га хос виқор-важорат йўқ, ўзини муносиб, аммо "деҳқонча содда" тутар эди. Яна, йиллар давомида кузатганим, табиятан Матёкуб ака ниҳоятда босиқ, камгап киши, шовмасдан, ўйлаб-ўйлаб, ман-тиқли-маъноли гапирар эди. Бирон пайт узоқ, бетартиб гапирганини кўрмаганман. У доим маълум бир саволга жавоб бераётгандек ҳолатда бўларди.

Бундай воқеани ҳам эслайман. Домла шеърларим билан таниш эди. Лекин насрда ҳам ёза бошлаган эдим. Бир қисса қоралаб, уйига бордим, ўқиб бердим. Матёкуб ака асарга баҳо бермади, фақат "Дурут", деб қўйди. Кейин, негадир, шеър ҳам ёзаяписанми, деб сўради. Мен аввалида ҳеч нарсамга тушунмадим. Икки-уч кун ўтгач, галнинг тағига етдим. Домла, шеър ёзаверганим маъқулмикан, деган экан! Ижод жараёни шундайки, гоҳо иждоқорнинг ўзи ҳам ўз имкониятини (айниқса, ёшликда) яхши билвермайдди. Орадан кўп ўтмай, Бухоро ҳаётидан туркум ҳикоялар ёздим. Яна Матёкуб акага қўлёмани кўрсатдим. Бу гал унинг юз-қўзи ёришди, насрда ҳам ёзишим мум-

кинлигини айтиди. Шу кундан бошлаб, нимаки ёзсам, қизикиб кўзи остида тутди, мақолалари, китобларида фикр билдирди. Илм соҳасидаги шоғирларига эътибори аниқ, уларга шу қадар меҳр кўрсатганики, сўз билан ифодалаш қийин. Домла меҳрибон ва талабчан эди.

Шукур ва камина қачон ҳаётда бир мураккаблик, турмушда бир чигаллик қисса Матёкуб аканинг уйига юзлаб борганимиз. Ундан маслаҳат олганимиз. Ёшлик пайти эмас, кейин ҳам у биз учун ҳар қандай шароитда одамийлик шартини бажарган жиддий инсон тарзида ўрнак бўлган.

Балки адашарман, балки бу олимлар иши, бироқ менга Матёкуб ака йилдан-йилга "адабиётдаги қусурларни танқид қилиш"дан "адабиётнинг тарғиб қилиш"га ўтиб борадиган туюлади. Тарғиб ҳолат давр белгиси ёки дунёда кўпроқ "яхши сўз айтиш"га интилиш натижасими?! Назаримда, домла талабчанликни бироз "усайтирган", ёзиши шарт бўлмаган баъзи-

**АЁЛ ҚАЛБИ СИНОАТЛАРИ**

"Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақда ҳаммиша янги гап айтиш мумкин", деган эди С.Буфлер. Дарҳақиқат, аёл — тирликнинг давомчиси, гўзаллик, меҳр-муҳаббат.

"Бозор дунё" романининг асосий қаҳрамонлари ва персонажлари, асосан, аёллар. Роман бугунги куннинг долзарб муаммоларига зиддиятли ҳолатлар, миллий-маънавий қадриятларни асраш масалалари, бозор шароитининг одамлар тақдирига қаратаётган таъсири, бахт ва бахтсизликнинг, бойлик ва қашшоқликнинг, шодлик ва қулфатнинг ораси қисқариб кетган тезкор замон таъсири, бири иккинчисига ўхшамас қаҳрамонлар руҳий олами тарқинида ўзига хос таъсир этилган. Қишлоқ ва шаҳар кишилари онгидаги ҳамда турмуш тарзидаги зиддиятлар бозорчи келин Каниза нигоҳи ҳамда кечинмалари орқали акс эттирилган, бир ўзига тўқ оиланинг қўққисдан пароканда бўлиши ишонарли сюжет ва пухта бадиий воститларда ёритилган асарнинг ўқишлигини таъминлаган.

Асар воқеалари Мансур ва Нозиманинг тўқин-сочин, меҳр-муҳаббатга, ўзаро ҳурмат-иззатга асосланган оиласи муҳирати таъсири билан бошланади.

Аммо фарзандсизлик боис, бу бахт тўқис эмас. Нозима ана шу "кемтик"ни тўлдириб учун қалти сийл туттишга, бозорчи кўниси Салима воститасида шаҳарга келиб сабазавот-мева-лар олди-соттиси билан шуғулланувчи Канизани уйига олиб келиб, эрига ниқоҳлаб беришга қарор қилди. Унинг бу қарорига, аввало, фарзандсизликда ўзининг "айбдор"лиги, қолаверса, Мансурга бўлган муҳаббат ва ишончи, шунингдек, бойликка муносиб "қони тоза" меросхўр топиш илнжи сабаб бўлади.

Дастлаб бир маромда кечган асар воқеалари Канизанинг Мансур хонадонидан бутунлай қоллишга аҳд қилиши билан тезлашиб кетди. Қолишувга қўра, у бу хонадонда бир неча кун яшаши, сўнгра тўққан гўдагини Нозимга ташлаб, "шартнома"даги маблағни олиб кетиши керак эди. Аммо қисқа фурсатда Каниза нафақат Мансурни ўзига "оғдириб олиш"га, балки бу хонадоннинг соҳибаси бўлишга эришди.

Ҳадислардан бирида: "Киши-

**Китобинингизни ўқидим**

нинг қалби даладаги хашакка илашиб қолган патта ўхшайди. Шамол уни у ёққа-бу ёққа тўнтради туради", дейилса, бошқа бир ҳадисда: "Одам боласининг дили қайнаётган қозондаги сувдан ҳам тез айланувчидир", дейилади. Хар қандай шароитда ҳам Нозиманинг воз кечмаслики ваъда қилган Мансур энди Каниза — "иккинчи ёр" эмига тушади. Шу тарзда, аёл қалбининг, ички оламнинг ўта мураккаблиги, унга хос тизгинсиз газаб ва чексиз меҳр, ожизлиқ қатъият, хиёнат ва вафдорлик, макр ва соддалик Каниза ва Нозима характери-лари тарқинида ўз тахассусини топган. Бу олам инсонлар учун ўзига хос синов майдони, унда кишиларнинг сарағи сарракка, пучаги пучакка ажралиши, қилинган яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам муқарраб жаниби бўлиши ҳақидаги азалий, қўнча ҳақиқат ифодаси роман воқеалари асосини ташкил этди. Каниза ўз қилмишининг жазосини тортса, Нозима оғир дақиқаларда ҳам тўғрилик, ҳалоллик йўлини тутиб, тўқин ҳаётга, ўз ҳуфтини топишга, она бўлиб бахтига эришди.

Бир қарашда, Нозиманинг тақдирига қўниқувчаллигини, бахти учун курашмаслигини, қайсибир маънода унинг "инкубасса" ҳақидаги ташаббуси,

кейин эса барчасига қўл сийлаб тураверишини оқлаб бўлмайдигандек туюлади. Аммо ундаги ана шу хислатлар фидокорлигини, садоқатлигини, яқин қиласидан хиёнат кўрганидан ҳам унга ёмонликни соғинмайдиган, бегубор, оққўнлик аёллигини намоян этади. Асарда Нозиманинг мураккаб тақдирини унинг онаси Азима кечмиши ҳам маълум даражада ахамият касб этагани ишонарли ёритилган. Хусусан, романинг дастлабки саҳифаларини ўқирганимиз, Каниза Мансурни охир-оқибат ташлаб кетса керак, деб ўйлаймиз. Лекин бунинг аксини — Канизанинг Мансур билан оғир дақиқаларда бирга қолганлигини кўрашимиз. Ёзувчи бу ҳодисани асарда мантиқан асослаган.

Хуллас, Т.Жўраевнинг "Бозор дунё" романи янгилигини босқичини ўтаётган ушбу жанрнинг муҳим жиятларини ўзида муҳимаслаштирган асарлардан биридир. Гарчи асар баъзи камчилик ва мунозаралар сабаб бўладиган ўринлардан холи бўлмасда-да, кейинги йиллар модерн адабиётининг ва аънавий ўзбек романчилигининг илгор жиятларини ўзида синтезлаштирган изланиш самараси сифатида эътиборга молик.

Ақбарали САБИРДИНОВ, филология фанлари номзоди

Уз маконида сўзлаб, фурсатни ганимат билган, ўринсиз сўздан сақланиб саломат юрган кишига Тангри раҳму шафқат қилади.

Тилини тузатган кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.

Хатнинг жавобини қайтариш — гўё саломга алик олиш каби зарурдир.

Пашша калласичалик нарса бериб бўлса-да, гадойни қуруқ қайтарманлар.

Ота-оналарнинг кексалик вақтида хар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир.

Киши ўз дўстининг дину диёнатига мослашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўстлашаётганини ўйлаб иш тутсин.

Мулоиймлик — ҳикматнинг бошидир.

Зарарингга бўлса ҳам ҳақ сўзни сўзла!

Одамларга сув улашувчи киши ҳамдан кейин ичади.

Тангриндан афа ва офият(хотиржамлик) сўранлар. Чунки ҳеч бирларнингиз имондан кейин офиятдек неъматни топа олмайсизлар.

Сахийлик — бамисоли жаннатнинг даррақларидан биридир. Унинг шохлари дунёда осилиб тушиб туради. Кимки уша шохлардан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб боради. Бахиллик эса, дўзах дарахтидир. Унинг шохлари дунёда чиқиб туради. Кимки шу шохлардан бири-ни ушласа, уни дўзахга бошлаб боради.

Мини бир ҳикмат

Ухфёна қилинган садақа Тангрининг ғазабини сўндиради.

Оила нафақасидаги тежамкорлик тирриқчиликнинг ярмига тенг. Одамлар билан дўстлашиш ақлнинг ярмига тенг. Савол сўраш одобларини билиш илмининг ярмига баробар.

Отасининг вафотидан кейин ҳам унинг ҳаёт вақтидаги дўстларини дўст тутган одам яхшиларнинг яхшисидир.


Одамларнинг яхшиси — унинг қўли ва тилидан бошқалар озор топмайдигандир.

Узилиб кетган қариндошларингга мурувватли бўл. Биров сенга ёмонлик қилса ҳам, сен унга яхшилик қилавер. Гарчи ўзининг зарарингга бўлса ҳам ҳақ сўзни сўзла.


Отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдидан гуноҳ қилиш Тангри олдидан гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

Елғон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан қўзғалмай туриб, Тангри унга дўзахни раво қилиб қўяди.

Қишдаги энг ёмон хислат — ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир.





# O'ZSANOATQURILISHBANK



«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси барча юртдошларимизни Республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги билан табриклайди ва байрам тухфаси сифатида

## «Ш о д и ё н а»

деб номланган муддатли омонатидан фойдаланишни таклиф этади.




### Омонатга:

3 ой муддатга энг камида 100 000 сўм қўйилади.  
Йиллик 24 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.  
Маблағлар шу йилнинг 31 августигача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 120-45-24, 136-06-54.

[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)



## Акциядорлик ширкати

### “Пахта Банк”

ўз акциядорлари ва мижозларини, барча юртдошларимизни, йилдан-йилга ривожланиб, тараққий топаётган мамлакатимиз мустақиллигининг

**15 йиллиги байрами билан** самимий муборакбод этади!

Сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат сизларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

“Пахта Банк” Сиз азизларга Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлардаги бошқармалари, 187 туман филиаллари, 640 мана-банклари орқали миллий ва чет эл валюталарида барча замонавий банк хизматларини таклиф этади.

Сизларни мижозларимиз орасида кўришдан мамнунмиз.

“ПАХТА БАНК” —

ФАРОВОНЛИГИМИЗНИЗ КАЛИПЛИДИРИ!




## Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри жамоаси

Азиз ватандашларимизни Мустақиллигимизнинг **15** йиллиги билан самимий муборакбод этади!

*Ватанимиз равнақи,  
юрти ободлиги ва фаровонлиги  
йўлида ҳормай-толмай  
меҳнат қилаётган сиз азизларга  
сихат-саломатлик, бахт-саодат ва  
сермазмун умр тилаймиз.*

**Юртимиз тинч, осмонимиз  
ҳамиша мусаффо бўлсин!**



Ушбу мактублар XX аср ўзбек санъатида ёрқин из қолдирган Ўзбекистон халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев, Рўзи Чориев ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров қаламларига мансуб. Уларда ҳар бир ижодкорнинг ҳаёт ва ижодга муносабати, дунёқараши акс этган. Бу учта Шайх Бир-Бирга дўст, устоз эдилар. Муқтадирлик байрами арафасида Рўзи Чориев таваллуғига 75 йил тўлиди. Ушбу ёзишларини эълон қилаётимиз, уларни хотирлаб, руҳларини шод этишни ўйлайди. Матнларни адабиётшунос олим Абдулла Улугов ўзбек тилига таржима қилган.

Ассалому алайкум, қадрли Абдулҳақ ака!

Мақтубингизни ўқиб, жуда таъсирландим. У менга катта маънавий куч берди. Аммо мақтубингизга жавоб ёзиш жуда қийин бўлди. Бу саволларингизга жавоб бериш қийинлигини туфайли эмас, тўғриси, мен жуда банд эдим, диплом ишларимни ёзишга киришганим. Картинами илҳом билан ишлаш бошладим. Уша пайтда ўзимни чиндан ҳам бахтли ҳис қилдим. Диплом иши устида ишлаётганимда ўзим учун кўп нарсаларни кашф этдим. Келгусида ижод йўлида ҳали кўп изланиб, ўрганишим зарурлигини ҳис қилдим.

Афсус, Сиз билан мунозара қилолмайман. Ҳозир жуда-жуда ишлагим келяпти. Буни тўғри тушунасиз ва мени кечирасиз, деб ўйлайман.

Самимий ҳурмат билан Рўзи. 13.03.1965 йил.

P.S. Ҳа, айтмоқчи, Сиз аскар портретини чизишни маслаҳат берган эдингиз. Битта шундай портрет тайёр эканлигини мамнуният билан маълум қиламан. Сержант портретини эса ишлаяман.

Акангиз тўғрисидаги илтимосингизни яқин кунлар ичида албатта бажараман. Илтимосингизни узоқ вақтдан бери бажаролмаганимдан хижолатдаман. Ҳар хил шароит бўлади. Менинг аҳолимини тушунарсиз.

Ассалому алайкум, Абдулҳақ ака!

Мен ва Марина мақтубингизни ўқиб, жуда ҳаяжонландим. Буни кўпчилик миннатдорлик билдиради. Ёзганларингиз кўп нарсалар тўғрисида ўйлаб қўришга ундайди. Уйингизда айтганингиз каби мақтубингизда ҳам ҳаёт мураккаб эканлиги, уни катта кишиларнинг кўмагисиз тушуниш мушкуллиги ҳақида ёзибсиз.

Ростдан ҳам, сиз айтгандек, «Ҳаёт — илм». Бунга қўшимча тарзда айтмоқчиманки, биз рассомларнинг ҳаёти турган битгани азоб-қубат. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлиш керак. Институтдаги сабоқлар хунармандчиликка ўргатади, деган гапингизга ҳам тўла қўйиламан. Тўғри, Ленинград маданиятини тушуна боришда менга кўп нарса ўргатди. Лекин ҳали яна кўп нарсаларни ўрганишим, билишим зарур. Буни доим ўйлайман.

Мен кейинги йилларда аввало маданиятимизни астойдил ўрганишим шарт эканлигини англадим. Буни қисқача ёзиб тушунтиролмайман. Ленинградга келганим маданиятни англашим учун яхши бўлган экан. Бу ерга келганимга қадар, фақат рус маданияти бор деб билардим. Фақат шу ердагина ўзимизнинг миллий маданиятимиз ҳам мавжудлиги, у халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқлигини билдим ва менда ўз маданиятимизни ўрганиш мақсади пайдо бўлди.

Сиз кўзимни очдингиз, ҳаётга тэрароқ қарашга ўргатдингиз. Бунинг учун Сиздан доимо миннатдорман. Мен шундай бир кўмакка муҳтож эдим.

Халқим олдида ҳам, санъат олдида ҳам қарздорман. Буни баландларовоз сўз деб ўйламаган. Буни қисқача ҳаётимдаги катта қиссани мақсадим деб биларман... Ҳаётим қандай кечди — буни билмайман. Аммо фақат илҳомим, ижод қилгим келди. Ўз билимимни оширишим, маданий-маърифий савиямни юксалтиришим истайман. Умуман, бу хусусдаги суҳбатимиз, сизнинг уйингиздаги давом этадиган бўлса, роса хурсанд бўлардим-да. Ҳар қалай, умид қиламанки, ахир менинг ҳам қаердадир ўз уйим-жойим бўлар... Бу хусусда ёзишим учун анча вақт керак. Асло вақтим йўқ. Диплом ишим билан кун-тун бандман. Ҳозирча диплом ишим дустур кетаяпти. Кейинроқ сизга унинг эскизига фотосини юбораман. Пул ишлаш учун Кола яқин оролга бордим. Бўёқ сочиш оломқоти эдим. Бўёқ диплом ишимни чизишим учун зарур. Аммо аксига олиб, касал бўлиб қолдим. Бир тийин ҳам тополмасдан, қайтага қарздор бўлиб қайтдим. Билмадим, энди нима қиламан? Диплом ишимни ёзиш керак. Аммо бунинг учун бўёқ йўқ. Тохировга қаердан бўлса ҳам пул топиб жўнат, деб ёзган эдим. Хануз жавоб йўқ. Нима қилишга ҳайронман. Агар талаба йигитлар кетишса, улар билан сизга «Партизанлар» картинамини бериб юборар эдим. Яқин кунларда ўзбек аскарлари тасвирланган иккита картинамини ҳам юбораман.

Айтганимдай, мен ҳозир кун-тун диплом ишим билан бандман. Марина эса имтиҳон топширди. Яқин кунлар ичида илтимосингизни албатта адо этишга ҳаракат қиламиз.

Марина ҳам сизга салом айтапти. Ойла ёзволарингизга ва Ю.Е.Елизаровга саломимизни етказинг.

Самимий ҳурмат билан Рўзи. 4.11.1965 йил. Ленинград.

Қадрли Рўзи!

Мақтубингизни олдим. Бунинг учун сизга раҳмат. Станционарда даволанаётган эдим. Шунинг учун хатингизга кечроқ жавоб ёзаяман. Бир ойча даволадан кейин 20 февралда қайтдим. Сиз ҳам касал бўлиб ётганингиз ҳақида ёзибсиз. Афсус. Ҳаётда юз берадиган ҳамма воқеалар менга таъсир қилади. Ўз тажрибамдан биларманки, турмушда қўпчилик бизнинг истакларимизга тамоман тескари воқеалар содир бўлади.

Турмуш — мен учун жумбоқ. Доим унинг жумбоқларини ечишга (албатта имкониятимиз даражасида) тўғри келади. «Ҳаёт — бизга доимо бошогриқилларни етказиб турадиган фан» дейиш камлик қилади. У бундан ҳам чигал. Ақли одамлар фақат ижод қилиш билан узоққа бориб бўлмайди, аниқроғи, агар ҳаёт тўғрисида мушоҳада қилишга ноқобил бўлсанг, ижодинг унчалик тэрар бўлмайди, дейишди. Билмадим, сен Репиннинг мақтубларини ўқиганмисан, йўқми? Уларда биз учун ибрат бўлган гаплар ёзилган. Репин ёшидаги ўзининг кўп ўқимаганлиги, кўп нарсаларни билмаслиги, билими етарли эмаслигини англаб, Крамскойдан «Нима қилсам экан?» деб маслаҳат сурабди. Репиннинг ёзишча, унда Крамской уни диққат билан тинглабди-да, ҳеч нарса демасдан узоқ сукутга ботибди. Сўнг жиддий тарзда унга: «Чуқур билимга эга бўлиш жуда муҳим. Бунинг учун, агар зарур бўлса, ижод билан шуғулланишни ҳам вақтинча тўхтатиш керак» дебди. Шундан сўнг Репин муқтадир тарзда ўз билимини оширишга астойдил киришиб кетди. Тинимсиз равишда китоблар мутлола қилибди. Унинг бу иродасига ҳайратда қолсан киши...

Бу гапларни менинг уйимда бошлаган суҳбатимизнинг давоми сифатида қабул қиларсан. Албатта, мен сизга мўйқаламини қўйди, дархол қўлингизга китобни ол, деб маслаҳат бермайдим. Аммо доимо мутлола қилиш зарурлиги, билимини тўхтовсиз ошириб бориш кераклиги тўғрисида ўйлаган, дедоқчиман. Биз барча рассомлар, маданий савиямиз пастлиги, билимимиз чуқур эмаслиги, маънавий қашшоқлигимиз туфайли қўйналиб, азобланиб юрамиз. Мен сен шундай рассомлар қаторида бўлмаслигингизни жуда-жуда истаётиман. Бахтингиз шунданки, сен ҳозир маданият, илм-фан марказидасан. У

ни билганимда, хабар қилардим, сен мехмонхонага келардинг. Шаҳарда 8 кун бўлдим. Қайтаётганимда эрталаб Академияга бориб, факултет деканатидагилардан сени сураб-суриштирдим. Менга сенинг устaxonанг бог яқинидаги ҳайкалрошлар устaxonаси билан бир жойда дегандек бўлишди. Уша жойга бордим. Аммо рангтаъсирчилар устaxonасини тополмадим. Ҳайкалрошлардан сурасам, «Билмаймиз» деб елка қисибди. Хафа бўлиб, мехмонхонага қайтдим. Бу воқеа тахминан 27 ё 28 декабрда бўлган эди.

Сенга бир илтимосим бор: Ленинград адреслар бюросидан 1921 йилда туғилган, миллати ўзбек Аксакалов Кабир фамилияли кишини сураб билсанг. У — отамнинг ўғли, менинг акам. У фронтдан қайтмади. Эшитишимизча, кимдир Ленинградда у билан қўришиб гаплашибди. Рус аёлига уланган ҳам эмиш. Уша ерда яшаркан. Адреслар бюросидан телефон орқали ўзим сўраганимда, 1921 йилда туғилган Аксакалов Кабир деган киши йўқ, аммо 1944 йилда туғилган Аксакалов дегани бор дейишди. Мен уша Аксакаловнинг бўлса-да, манзилни ёзиб олиб, уни ахтаришим керак экан. Шундай қилмай, иккинчи хатога йўл қўйибман. Балки шу Аксакалов отамнинг ўғлидир. Ким билди — акамнинг ўзи ҳозир ҳаётими ёки вафот этганими? Агар оғина вақтинчи аямасдан, шунга аниқлаштирсанг, мен учун жуда улғуш қилган бўлардинг. Бу ерда қариндошларим эътиборсизлик қилганим учун мендан роса ранжишди. Ленинградда жуда садокатли шоғирдим бор. У бунга албатта сураб аниқлаштиради, деб уларни тинчлаттирдим. Биларман, сен жуда бандсан. Шундай бўлса-да, айни шу масалада ёрдам берасан, деб ишонман. Бўлмаса, ўзининг Москвага бораётиб, йўл-йўлақай Ленинградга кириб ўтишимга тўғри келади.

Ҳозирча ҳаммаси — шу. Диплом ёзишим, умуман, ишларинг қандай кетаётганлиги тўғрисида ёзган.

Хотинингизга салом айт. Ишларингиз муваффақият ва жамилки эзгуликларни тилаб, Абдулҳақ. 17.01.1965 йил.

Қадрли Рўзи!

Мақтубингизни олдим. Бунинг учун сизга раҳмат. Станционарда даволанаётган эдим. Шунинг учун хатингизга кечроқ жавоб ёзаяман. Бир ойча даволадан кейин 20 февралда қайтдим. Сиз ҳам касал бўлиб ётганингиз ҳақида ёзибсиз. Афсус. Ҳаётда юз берадиган ҳамма воқеалар менга таъсир қилади. Ўз тажрибамдан биларманки, турмушда қўпчилик бизнинг истакларимизга тамоман тескари воқеалар содир бўлади.

Турмуш — мен учун жумбоқ. Доим унинг жумбоқларини ечишга (албатта имкониятимиз даражасида) тўғри келади. «Ҳаёт — бизга доимо бошогриқилларни етказиб турадиган фан» дейиш камлик қилади. У бундан ҳам чигал. Ақли одамлар фақат ижод қилиш билан узоққа бориб бўлмайди, аниқроғи, агар ҳаёт тўғрисида мушоҳада қилишга ноқобил бўлсанг, ижодинг унчалик тэрар бўлмайди, дейишди. Билмадим, сен Репиннинг мақтубларини ўқиганмисан, йўқми? Уларда биз учун ибрат бўлган гаплар ёзилган. Репин ёшидаги ўзининг кўп ўқимаганлиги, кўп нарсаларни билмаслиги, билими етарли эмаслигини англаб, Крамскойдан «Нима қилсам экан?» деб маслаҳат сурабди. Репиннинг ёзишча, унда Крамской уни диққат билан тинглабди-да, ҳеч нарса демасдан узоқ сукутга ботибди. Сўнг жиддий тарзда унга: «Чуқур билимга эга бўлиш жуда муҳим. Бунинг учун, агар зарур бўлса, ижод билан шуғулланишни ҳам вақтинча тўхтатиш керак» дебди. Шундан сўнг Репин муқтадир тарзда ўз билимини оширишга астойдил киришиб кетди. Тинимсиз равишда китоблар мутлола қилибди. Унинг бу иродасига ҳайратда қолсан киши...

Бу гапларни менинг уйимда бошлаган суҳбатимизнинг давоми сифатида қабул қиларсан. Албатта, мен сизга мўйқаламини қўйди, дархол қўлингизга китобни ол, деб маслаҳат бермайдим. Аммо доимо мутлола қилиш зарурлиги, билимини тўхтовсиз ошириб бориш кераклиги тўғрисида ўйлаган, дедоқчиман. Биз барча рассомлар, маданий савиямиз пастлиги, билимимиз чуқур эмаслиги, маънавий қашшоқлигимиз туфайли қўйналиб, азобланиб юрамиз. Мен сен шундай рассомлар қаторида бўлмаслигингизни жуда-жуда истаётиман. Бахтингиз шунданки, сен ҳозир маданият, илм-фан марказидасан. У

ерда ақли одамлар жуда кўп. Асло уялма, тортинма, ўшалар билан суҳбатлашгин, маслаҳатларига қулоқ тутгин. Диплом — киши маълумотли эканлигини кўрсатувчи шунчаки расмий қоғоз. Турли фалокатларга йўл қўймайсанг, ушбу турмуш ташвишлари хусусида тўғри мушоҳада юрита билишни ўрганиш лозим. Бунга эса билимсиз эришиб бўлмайди.

Шунга билиб қўй: келганингдан сўнг сен билан жиддий бир масалада гаплашмоқчиман. Лекин шу шарт билан: агар сенда институт бермайдиган билимларини ҳам эгалаш истаги борлигини сезсам!..

Сен учун қутилмаган бу масала нима эканлиги хусусида ҳаёлингга нималар келгани, нималарни ўйлаётгани тўғрисида ёзган. Агар инсон сифатида сенда аллақандай яхши жиҳатлар борлигини сезмаганимда эди, бу гапларни ёзиш учун, ростки, вақ-

лашиб, рассомнинг ҳар бир ҳаракатини мароқланиб, кузатиб ўтирдим. Ушанда ижод жараёни силрилардан воқеа бўлаётганим, ижодкорга ҳақиқий илҳом келган лаҳзаларда дуч келганимдан роса қувондим. Рассомнинг кўзлари бу пайтда бамисоли ёш боланинг кўзларидай ёнарди. Улар кашфиёт очган кашофнинг кўзларидай қувончдан порларди.

У портретини ишлаётган пайтда мен билан бемалол гаплашиб ўтирдим. Менга хонадалар, гастроллар, қўшиқлар, мусиқа тўғрисида кўп саволлар берди. «Гендел! Бах! Менделсон! Мана даҳолар! Уларни идрок этсанг, санъат нима эканлигини тушунасан. Караваджо-чи? Боттичелли? Леонардо? Фрескалар-чи? Панжикент фрескалари? Сикейрдога-чи? Қани энди, уларга ҳеч бўлмаса, бир лаҳзагина яқинлашсанг! Бу дунёда фақат ва фақат ишлаш керак!» деди.

У мўйқаламини тўхтамадан ҳаракатлантирар экан, шундай деб ҳайқирди.

нарсани ўрганиши, унинг фаолиятидаги ўй-фикрларни билиши керак. Уни яхши қўриш, ҳурмат қилишинг ўзигина етарли эмас. Рассом портретини яратадиган инсон тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлганидан сўнггина мўйқалам ва бўёқларига кўл узатади. Рўзининг халқ артисти Олим Хўжаев портретини шу тарзда яратганига гувоҳ бўлдим.

Рўзи Олим Хўжаев ишлайдиган театр актёрларидан, дўстарларидан у ҳақда кўп нарсаларни сураб-суриштирди, актёр рол ижро этган спектакллари бориб кўрди. Олим Хўжаев иштирок этган кўпгина филмларни томоша қилди, унинг тўғрисида ёзилган китоб ва мақолаларни ўқиб чиқди.

Рўзи хомаки чизмаларини ҳаммаслаб, яқинлирга албатта кўрсатади, образини топиш тўғрисида ҳар гал улар билан маслаҳатлашади. Шу боисдан ҳам Чориев яратган рассом Карахан, композитор Акбаров, актриса Норбоева, санъатшунос Тоқтош портретлари ва кўпгина бошқа портретлар мен учун жуда қадрли. Чунки мен уларни Рўзи қандай тасвирлаган бўлса, шу ҳолда биларман. Улар — менинг яқиндан билган қадрдон кишиларим.

Чориев ҳис-ҳаяжонлари ошиб-қувноқ, ёрқин шахс. Унинг асарлари ҳам худди шундай — шилдатга тўла, ғоят таъсирчан. Мен унинг пейзажларини яхши кўраман. Айниқса, у тасвирлаган тоғлар жуда ёқадди. У ҳаммаша тоғларни қутилмаган ракурсларда ва ўлчамларда тасвирлайди. Унинг тоғлари рамазий, маънодор. Унда чизгилар ҳам, ранг-таъсир ҳам зич, жозибадор. Ёрқин кизил бўёқда ишланган «Чорвоқ» асари шундай. Қадрдон кишилоғи Пошхурт адирларини, Бойсун тоғларини ҳам у оловранг сариқ тусда тасвирлайди. Чориев пейзажларининг рангларга унчалик бой эмаслиги ҳам менга ёқадди. Рассом пейзажларида асосан битта ёки иккита рангнинг турли туслари кўринади, холос. Аммо у шу битта-иккита ранг асосида қаройиб манзараларни гавдалантиради. Менга рассомнинг «Фарғона водийси» асари айниқса ёқадди. Оқшом пайти тасвирланган ушбу кўппланли композицияга қараб ҳеч ҳам тўймайман. Картинадаги ёрқин манзарадан аллақандай куй таралаётгандай бўлади. У менга оқшом қўшиғи бўлиб туюлади.

Чориевнинг кўпгина асарларини қўшиқ деб аташ мумкин. Йўқса унинг «Бешик»ини яна қандай ноиллаш мумкин? Қизил гиламда ўтирган она бешиқ устига энгашган. Гиламнинг миллий нақшлари, қадимий ўзбек бешиғи, она кўйлагининг ёрқин ранги, унинг орқа-

сига ташланган узун соч ўрими — буларнинг барчаси ўзбек халқ қўшиғи — «Қора сочим»ни ёдга солди.

Унинг «Болалик хотиралари» ҳам худди қўшиқдай бориқ ҳазин, аммо жуда таъсирчан. Ушбу тоғ қишлоғида оқсарик тусли шафқ ҳосил қилиб қўёш ботаётгани, элас-элас кўринадиган пастак паҳса уйлاردан оқиб тугун қутарилаётгани жуда жозибали тасвирланган. Рассомнинг «Анор пишганда» картинаси ҳам ҳайрат, қувончга тўла ёшлик қўшиқдай таассурот уйғотади. Ижодкорнинг айрим асарларидан самимий ҳавжга йўрилган халқ айтимларига хос қувноқ оҳанг эшитилади.

Чориевнинг картиналаридаги қарияларни ҳам яхши кўраман. Уларда Самарқанд, Бухоро ва Тошкентнинг доғишмансифат қоллари тасвирланади. Уларнинг қиёфасига нурунийлик бахш этган оппоқ юз соқоли, қуёш тафтидан қорайган оқин, бошидаги оппоқ ласи, беқасам тўни шундай жонли, табиий гавдалантирилганки, портретлар бамисоли рассомнинг она-юрт тўғрисидаги қўшиғи, дostonи бўлиб кўринади. Чориев портретлари — замондошларимиз портретларидир. Қаршимизда биз билан ёнма-ён яшаётган қишлар, дўстларимизнинг қадрдон қиёфаси туради. Гўё Чориев: «Мана, танишинг — бу талаба менинг дўстим. У — жуда ажойиб йигит. Унинг самимий ёғилиб турган чиройли чехрасига эътибор берин. Балки Беруний ёки Улуғбек ҳам ёшлиқда худди шундай бўлганлар. Бу қадрдоним эса Африкадан. Қаранг, туришининг ўзиёқ унинг нақадар мағрур эканини билдириб турибди. Бамисоли қора тошдан ўйиб ясалгандай бу қиз «Қора Африка»нинг қарамоғи», дея уларни бирма-бир таништираётгандай бўлади.


Чориев «Замондошларим» портретлар туркуми учун республика ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди.

Рассом Чориев тўғрисидаги ушбу ҳикояни яқунлаш бир қадр мушкул. Бу шунинг учун ҳам мушкулки, ҳар гал устaxonасида, кўргазмаларда учраганимизда унинг янги-янги ишларини кўраман. Уларнинг барчаси дархол диққатини жалб этади, ҳар бири ўзинча кизикarli туюлади. Уларнинг барчасидан тиниб-тинчимас, серҳаракат рассом қараб туради. Бу рассомнинг ҳар бир кўни, ҳар бир янги асари унинг учун бамисоли байрам. Бу шундай байрамки, у қутилмаган учрашув, танишув, кашфиётларга тўла. Уларда рассом янги қиёфаларни, янги рангларни топади. Шу боисдан у ижодни туганмас байрам деб билади. Шуниси аниқки, устaxonасига борсам, у худди болайди қувониб, ҳовлиқиб кўтиб олади ва албатта, «Ҳар хил майда-чўйдаларга овуниб ўралашиб қолманлар. Бу дунёда фақат ва фақат ишлаш, ижод қилиш керак!» деб ҳайқиради.

Ботир ЗОКИРОВ, Ўзбекистон халқ артисти

«ҲАЁТИМНИ БАХШ ЭТИШГА ТАЙЁРМАН...»

УЛУҒ САНЪАТКОРЛАРИНИНГ ЁЗИШМАЛARI



Сўнг тўсатдан банд овоз билан хурсанд бўлиб қўшиқ айта бошлади. У опералар ариялар, ўзбек халқ қўшиқлари ва фақат унинг ўзигина билладиган аллақандай оҳанглари куйларди.

Анча пайтгача бир жойда ўтирдим, Чориев эса ҳам суратини тамомлади, ҳам янги асари учун ҳолат тайёрлашга улғурди.

Мен композиторлар билан кўп ишладим, қўшиқлар туғилишининг гувоҳи бўлдим. Режиссёрларнинг қандай репетиция ўтказишию, филмини суратла олишини кўрдим. Рассомлар билан этюд ишлашга ҳам кўп марта бирга бордим. Аммо шу пайтгача бундайин бўлмаган эди. Мен ўшанда рассом Чориев сиймосида бутун вужуди билан санъатга шайдо бўлган инсонни кўрдим. У ижодга иштиёқ билан ихлос қўйган, палитра, молбертга астойдил садокат билан берилган рассомдир. Ҳа, у — гаройиб одам. У ҳаммаша илҳом оғушида эканлиги туфайли

шундай. Рассом доимо ишлайди. Унинг устaxonаси молберт ва холстлар турадиган тўрт девор ичидики жой эмас. Унинг устaxonаси у борган уйлари, у юрган кўчалари. Унинг устaxonаси ошар ва кишлоқлардир, у учрашган одамлардир, унинг улғузқис саёхатлари манзараларидир.

Чориев ҳаммаша ҳамма нарсани чизади ва улар тўғрисида ёзади. У бусиз яшолмайди. У чизмасдан, ёзмадан туролмайди.

У ўзи ҳақида гапирар экан: «Мен ёш рассомман» дейди. У доимо ўрганишга интилиши боси ҳам ёш. У бугун яралган нарса эртанги кунга зинапола бўлади, деб ҳисоблайди. Эртанги кун эса келгуси кун учун зинапола вазиёсини ўтайди. Чунки яна ниманидир очиб, кашф этиш керак бўлади. Одамларга ўзининг ёрқин ёнғини туйулганини, ҳис-ҳаяжонларинг, қувончларингиз етказиши истаги шунга талоқ қилади.

Рўзи ҳаётингиз барча ҳодисаларини рангтаъсир орқали кўради, уларга ижод манбаи сифатида қарайди. Чунки у санъатнинг ҳамма учун зарур эканлигига қатъий ишонади. Шунинг учун барчани рангтаъсирини севинга даъват этади, тасвирий санъатни ҳис қилиш ва уни идрок этишга қачиради.

У шоирлар, актёрлар, режиссёрлар билан ҳар гал учрашганида албатта: «Нега бизникига келмайсизлар? Нима учун устaxonамизга кирмайсизлар? Ишларимизни кўрмайсизлар? Нима учун биз билан суҳбатлашмайсизлар, бахslash-майсизлар?» деб айтди.

«Рангтаъсир (живопись) — санъат оиласидаги меҳрибон сингил (сестра)» деган гапини доимо такрорлайди. Рўзи портретини яратиш устиди иккинчи марта ишлаётган пайтда биринчи марта учрашганимизга қадар мени обдон кузатгани, концертларимга боргани, хомаки чизмалар килгани, пластинкага ёзилган қўшиқларимни эшитгани, умуман, мен ҳақимда етарли маълумот тўплагани тўғрисида сўзлаб берди. Мен ўшанда рассомнинг портрет яратиши узоқ ва қаттиқ меҳнат қилиши иборат ижодий жараён эканлигини билдим. Бу меҳнатни тадқиқотчининг узоқ давом этадиган изланишларига қиёвлас мумкин. Чунки рассом портретини яратадиган инсон тўғрисида ҳамма

Ўзбек Миллий академик драма театрининг янги мавсуми 2006 йил 2 сентябр кuni Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Абдулла Орипов асари асосидаги «Соҳибқирон» спектакли билан очилади.

ТЕАТРИНИНГ СЕНТЯБР ОЙИ РЕПЕРТУАР РЕЖАСИ

Table with 4 columns: Sana, Kunlar, Spektaklning nomi, Asar muallifi. Lists plays like 'Juma', 'Shanba', 'Yakshanba' and their authors like 'Mustaqillik bayrami', 'Sohibqiron'.

Репертуар режасида ўзгариш бўлиши мумкин. Спектакллар соат 18.00 да бошланади. Касса соат 10.00 дан очик. Тел: 144-17-51, 144-33-75

МУАССАСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВИЧЛАР УЮШМАСИ... ПОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилнингиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50.

Бош муҳаррир АХМАДЖОН МЕЛИБОЕВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 2936. Бўртма Г — 1049. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсатиши — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6